Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

1988 ЙИЛ, 17 МАЙ, СЕШАНБА
№ 110 (4.306).
Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

ИЖАРА ПУДРАТИ — ОЗИҚ-ОВҚАТ МАЪМУРЧИЛИГИГА ОЛИБ БОРАДИГАН ЭНГ ҚИСҚА ЙЎЛ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

Илгари хабар қилинганидек, 13 май куни КПСС Марказий Комитетида агросаноат комплекси пудрат коллективларининг ходимлари, агрокомбинатлар, агрофирмаларнинг, илмий-ишлаб чиқариш системаларининг, хўжаликларнинг раҳбарлари, район партия комитетларининг биринчи секретарлари, совет ходимлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан учрашув бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев учрашувни очатуриб бундай деди:

Азиз ўртоқлар, биз сизларни катта, ҳаётий муҳим масала хусусида гаплашиб олиш учун партия Марказий Комитетига таклиф қилдик. Мен озиқ-овқат масаласини назарда тутяпман.

Ҳозирги дунё қанчалик ривожланмасин, тараққиёт қанчалик жадаллашмасин, бугунги цивилизация ҳар қандай чўққиларга кўтарилмасин азалий масала — озиқ-овқат масаласи кўндаланг бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу боисдан ғаллакор деҳқон касби ҳам абадийдир. Заминда инсон меҳнатининг самаралари — ҳар бир жамият тараққиётнинг қай даражасида эканлигидан қатъи назар унинг учун энг зарур шартдир.

Бизнинг мамлакатимиз жуда улкан. Халқ манфаатларини кўзлаб экономика барча тармоқларини ривожлантиришда, шу жумладан зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ҳам унинг имкониятлари ғоят каттадир. Яширишнинг нима ҳожати бор, бундай маҳсулотлар ҳозирча етишмаяпти.

Модомики биз бутун жамиятимизни қайта қуриш билан шуғулланаётган, унга бошқа сифат бағишлашни истаётган эканмиз, халқнинг турмушини маънавий жиҳатдан бой, одамларнинг социал турмуш шароитлари нуқтаи назаридан беками-кўст қилишимиз лозим.

Барча муҳим проблемалар орасида озиқ-овқат масаласи биринчи навбатдаги проблема бўлиб турганлиги табиийдир. Биз масалани ўртага шундай қўймоқдамиз: ишимиз шунчалик чўзилиб кетганлиги, биз ҳали шу проблемани тўбдан ҳал этишга киришмаганлигимиз яхши эмас.

Биз ҳар қандай ҳодисанинг келиб чиқиш сабабларини изоҳлаб бера оламиз, албатта. Ҳозир қишлоқдаги вазият нима учун шундайлиги ҳам бизга маълум. Айтишим мумкинки, биз шу пайтгача озиқ-овқат масаласини ҳал қилмаганлигимизнинг асосий сабаби экономикамизнинг шу соҳасига — қишлоқ хўжалигига, умуман аграр секторга нисбатан муносабатда эди. Бу ҳақда яна бир бор тўппа-тўғри айтиб ўтиш керак. Деҳқоннинг, ғаллакорнинг меҳнатига етарли баҳо берилмаган экан, бундай ҳол колхозларга, қишлоқни социал ривожлантиришга нисбатан ҳам намоён бўлди. Бу нарса умумий натижаларга таъсир қилди. Колхоз ва совхозларимизнинг, колхоз тузумимизнинг замиридаги имкониятлар эса ҳақиқатан ҳам ғоят каттадир.

Мана, ўзингиз бир кўринг, биз 1982 йилнинг майида КПСС Марказий Комитетининг Пленумини ўтказдик. Шунга қадар қишлоқ хўжалиги қариб 7—8 йил мобайнида аслини олганда бир жойдан жилмай қолди. У шунгача ҳам унчалик тез суръатлар билан ривожланмаганлигини эътиборга оладиган бўлсак, 1982 йилга бориб мушкул вазият вужудга келган эди, деб айтиш мумкин. Айни шу боисдан ўшанда Пленум ўтказишга қарор берилди.

Нимадир қилиш кераклигини бутун жамият ҳис этиб турганди. Пленум барча муаммоларни ҳал этди деб, ана шу Пленумда биз ўзимизнинг барча режаларимизни рўёбга чиқардик, деб айта олмайман, аммо шундай бўлсада у бизнинг қишлоқ хўжалик, аграр ишимизни анча олга силжитди. Аввало, реалистик ёндашилганлиги туфайли шундай бўлди. Ишга комплекс ёндашув тантана қилди. Моддий-техника базасига доир масалалар кўриб чиқилди, қишлоқни социал ривожлантиришнинг ўн йиллик катта программаси тасдиқланди, қишлоқ хўжалигида меҳнатни — механизаторларнинг ҳам, чорвадорларнинг ҳам, мутахассисларнинг ҳам меҳнатини рағбатлантириш масалалари ҳал этилди. Экономиканинг мана шу жуда мураккаб соҳасидаги ташкилий жиҳатларга таллуқли масалалар ҳал қилинди. Бу соҳада ўзига хос хусусиятларни эътиборга олиб, саноат ёки қурилиш методларидан андаза олинишига йўл қўймай, алоҳида тарзда ҳаракат қилиш лозим. Бу тушунарли, қишлоқ хўжалиги жонли табиат билан бевосита боғланган, кўпгина омиллар билан жуда алоқадордир. Мазкур тармоқни юритишга доир қарорларда, ёндашувларда регионларимизнинг табиий иқлим шароитлари жуда хилма-хиллигини ҳам эътиборга олиш зарур.

Экономиканинг шу секторини қандай, қанақа ёндашувлар асосида бошқариш кераклигини ҳам пухта ўйлаб кўриш керак эди, албатта. Мана шуларнинг ҳаммаси Пленумда муҳокама қилинди ва тўғри йўлда бир қадам қўйилди. Май Пленуми аграр секторни ривожлантиришга эътибор билан, жиддий, масъулиятли муносабатда бўлишни бошлаб берди. Бу эса ўз таъсирини ўтказганлигини ҳам айтиш керак. Қаранг, май Пленумидан кейин барча мураккабликларга қурғоқчиликка, катта-катта майдонлардаги экинларнинг зах босиб чириганига, совқ уриб кетганига қарамай, қишлоқ хўжалигида олга, анча юқори марралар сари силжиб бориш барқарорроқ тусга кира бошлади. Бу — айтиб ўтиш лозим бўлган биринчи масаладир.

Иккинчидан, шу вақт ичида одамларнинг ташаббускорлиги ғоят авж олиб кетди. Қишлоқдаги новаторлик иши билан боғланган, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда янги формалар, янги ёндашувларнинг ташаббускорлари бўлган сизларга бу нарса яхши маълум. Мен бу ерда пудрат звеноларини, бригадаларнинг, оилавий пудрат асосида ишлаётган коллективларнинг раҳбарларини, вакиллари ҳозир бўлиб турганинги назарда тутяпман. Сизларнинг кўпчилигингиз ижара шартномалари тузиб, аграр-саноат сектори олдида турган янги вазифаларни ҳал этишга киришгансиз.

Мана шуларнинг ҳаммаси май Пленумидан кейин мумкин бўлиб қолди, ўртоқлар. Лекин бундан нима чиқди, натижа қандай бўлди? Ўсиш кўрсаткичларини олиб кўрайлик. Кейинги вақтларда бу кўрсаткичлар яхшиланмоқда. Зарар кўраётган хўжаликлар тобора камаймоқда, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам иқтисодий кўрсаткичлар ошиб бормоқда. Секинлик билан бўлсада, аммо ишлар яхшиланмоқда. Бироқ бу ҳаракат озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг бизни қаноатлантирмаган даражасидан бошланган эди. Шу боисдан тезроқ, айтайлик, озиқ-овқат муаммоси умуман ҳал қилинган бирон-бир даражадан ҳаракатимизни бошлагандек жадалроқ ўсиш керак. Ўшанда бизнинг вазифамиз ана шу даражани сақлаб қолишдан, аҳолининг ўсиб бораётган қисминигина озиқ-овқат билан таъминлашдан иборат бўлур эди. Бизда эса шундай бўлдики, аҳоли ортиб бораверди, бу ҳол маҳсулот кўпайтирилишини тақозо қилди, биз эса Озиқ-овқат программасининг минимум сифатида белгилаган даражага ҳали чиқиб олишимиз керак эди.

Бинобарин, гарчи иш аграр секторимизда, қишлоқ хўжалигимизда яхшилик сари ўзгариб бораётган бўлсада, биз керакли суръатларга эришдик, деб ҳозирча айта олмаймиз, ўртоқлар.

Партия Марказий Комитети билан ҳукуматни мана шулар безовта қиляпти. Мамлакатдаги ҳаракат суръатлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш суръатлари бизни қаноатлантирмаяпти.

Озиқ-овқат муаммоси, аҳолини товарлар, уй-жойлар билан таъминлаш каби муаммолар — ғоят муҳим муаммолардир, чунки улар ҳар бир оиланинг, ҳар бир совет кишисининг бевосита турмушига дахл қилади. Шунинг учун бу муаммолар ҳеч сўзсиз биз экстенсив экономикадан интенсив экономикага ўтаётган, экономикани бошқаришнинг янги методларини ўзлаштираётган, унинг барча тармоқларини тубдан янгилаётган ўзгаришлар босқичнинг барча қийинчиликларига қарамай, ҳал этилиши лозим. Биз мана шу муаммоларни узоқ йилларга чўзмай, фан ва техника ютуқлари асосида ҳал қилишимиз керак. Бошқа масалаларга қараганда тезроқ ҳал этишимиз лозим. Биз КПСС Марказий Комитетининг ўтган йил июнь ойидаги Пленумида масалани шундай қўйган эдик. Эндиликда биз бундай ёндашувни бутун партия ҳам, бутун халқ ҳам маъқуллагандикларини кўриб турибмиз.

Эндиликда мана шу уч йўналишнинг ҳаммасида салмоқли ишлар авж олдирилмоқда. Шундай бир фактни эсга олинг, ўртоқлар. Уч беш йиллик мобайнида уй-жой қурилиши ҳажмлари аслида бир даражада қолиб келди. Ҳозир эса икки йил ичида биз унинг ҳажмини 13 процент ошириб, 10 миллионта квартирани фойдаланишга топширдик. Бунинг устига биз давлат капитал маблағлари йўли билан ҳам, якка тартибдаги ва кооператив қурилиш ҳисобидан ҳам, мазкур проблемага меҳнаткашларнинг ўзларини жалб этиш асосида ҳам бу соҳанинг жуда катта имкониятларини очдик. Иш ҳам юришиб кетди. Айниқса эпчиллик, ишчанлик кўрсатаётган, ушбу муаммони конкрет равишда ҳал этишга киришган кишиларнинг иши юришмоқда. Биз иш яхши бошланганини кўриб турибмиз.

Халқни товарлар билан таъминлаш — жуда қийин масала. Товар оборoти, товарлар, уларнинг сифати деганда нимани англаймиз? Бу — бутун экономика ишининг пировард натижасидир. Ўртоқлар, мамлакатда барча раҳбарларнинг, меҳнат коллективларининг диққат-эътиборини улар пировард натижани мўлжаллаб иш тутадиган тарзда бориб юбориш керак эди. Модомики, биз партия XXVII съездида планларимизга кўпроқ социал йўналиш бағишлаш кераклигини эълон қилган эканмиз, амалий ишимизга ҳам шундай ёндашувни асос қилиб олляпмиз.

Бунда ҳам бурилиш, тўғрисини айтсак, қийин, машаққатли бурилиш бошланди. Ҳали ҳамма ҳам барча нарсани яхши тушуниб етгани йўқ. Масалан, министр А. А. Ежевскийни олиб кўрайлик. Биз уни ҳали у колхоз ва совхозларга замонавий техникани етказиб бермаганлиги учунгина эмас, балки тармоқ корхоналари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда суст қатнашаётганлиги учун ҳам танқид қиляпмиз. Вазиятни улар кўп иш қила оладилар!

Нима учун мен СССР Қишлоқ хўжалиги ва трактор машинасозлиги министрлигини тилга олдим? Чунки товарлар муаммосини ҳал этишда унча катта бўлмаган маҳаллий корхоналар ва кооперативлардан тортиб мудофаа тармоқларигача ҳамма қатнашиши керак, деб ҳисоблаймиз. Ҳамма мамлакат учун, халқ учун ишлаши керак, бу масалани барча ҳал қилиши лозим, чунки бу масала совет кишиларининг ҳаётий муҳим талаб-эҳтиёжларини қондириш билан боғланган.

Лекин бу соҳадаги иш ҳам ўзгариб бормоқда. Ҳозир енгил саноатни реконструкциялашга доир кенг миқёсли ишлар авж олдирилмоқда. Биз бунда катта-катта чора-тадбирларни амалга оширамиз. Янги кооперативлар ҳам ўз ҳиссасини қўшади, деб ўйлайман. Биз буни ҳозирнинг ўзидаёқ ҳис этиб турибмиз. Ана шу кооперативлар экономикамиздаги мавжуд заиф жойларни ўз зиммасига олди. Нуқсонлар, экономика масалаларига эскича ёндашувлар натижасида ҳосил бўлган кам-кўстларни қопламоқда. Биз ҳозир янги омилларни, янгича ёндашувларни жорий этдик, мазкур муаммони ҳал

(Давоми иккинчи бетда).

XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ШАРАФИГА

Мўл ҳосил етилмоқда

Меҳнат инсонни улуғлайди, дейишгани тўғри экан. Асли Грузияда туғилиб ўсган Қадам Нозимов ўз бахтини Ўзбекистонда ҳалол меҳнатдан топди. Мана, 44 йилдирки, у Янгийўл районидаги Энгельс номли колхозда ишлайди. Оддий ишчиликдан катта бир бригада коллективи етакчиси даражасига кўтарилди.

Бригада аъзолари қатор йиллардан бери узум тайёрлаш топширигини муттасил ошириб адо этишяпти. Масалан, ўтган йили улар давлатга 865 тонна ўрнига 1009 тонна узум топшириб, планни 144 процент бажаришди.

Соҳибкорлар бу йил 93 гектар ерда деҳқончилик қилишмоқда. Шунинг 80 гектарини олмазор ва шафтолизор ташкил этади. Ана шу майдонлардан бу йил 300 тонна олма ва шафтоли ҳосили олиш учун мева дарахтлари парвариши қизғин давом эттирилмоқда. Парваришни намунали олиб боришда Гулхоним Забитова, Сарингул Исмоилова, Аладдин Гулалиев каби боғбонлар пешқадам.

И. ГУГЖАЕВ.

Ҳисса

Биринчи Тошкент уйсозлик комбинатидан Александр Закусилов бригадасида ҳар бир ходимнинг иш унуми икки баравар ошди. Бу эса уларга ишлаб чиқариш графигидан анча ўзиш имконини беради.

Мазкур комплекс бригада XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини муносиб кутиб олиш учун ошириган мажбурият қабул қилди. Кунлик смена нормаси 15-20 процент ортиғи билан бажарилмоқда. Қурувчилар ўз сўзлари устидан чиқадилар — биринчи квартал аъло кўрсаткичлари бунинг далилидир. Бу ерда пландаги 45 минг сўм ўрнига амалда 55 минг сўмликдан зиёд иш бажарилган.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ

ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВга

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ

ўртоқ А. А. ГРОМИКОга

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

ўртоқ Н. И. РИЖКОВга

Азиз ўртоқлар!

Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий воситалар билан бартараф этиш хусусидаги Женева битимлари бугун, 1988 йил 15 май куни кучга киради. Барча манфаатдор томонларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан янгича тафаккур руҳида эришилган бу битимларнинг қатъий бажарилиши Афғонистоннинг ички ишларига ташқаридан аралашувга чек қўйишга, афғонлар муаммосининг ташқи жиҳатларини ҳал этишга олиб бориши лозим, деб умид қиламиз. Чет эллардаги ватандошларимиз ўз хонадонларига қайтиб келадилар, совет қўшинлари юртига қайтиб борадилар.

Бизнинг мустақил, суверен, қўшилмаган ва бетараф Афғонистон учун курашимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганликлари учун буюк совет халқига, КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва Совет ҳукуматига Афғонистон Республикасининг ҳукумати билан бутун афғон халқи номидан ғоят самимий миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

1978 йил 5 декабрдаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ Совет Иттифоқи Афғонистон тарихининг энг мураккаб ва танг даврларидан бирида Афғонистонга ёрдамга келди.

Афғонлар диёрида совет интернационалчи-жангчилари Афғонистоннинг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш йўлида кўрсатган жасорат ўз юртининг ҳақиқий ватанпарварлари бўлган барча афғонларнинг миннатдор хотирасида мангу сақланиб қолади. Биз совет халқининг шу юксак вазифани адо этиш чоғида ўз жонини қурбон қилган, қонини тўккан ўғлонлари порлоқ хотираси олдида бош эгамиз. Уларнинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарлари, бутун совет халқи шуни билиб қўйсинларки, улар беҳуда қон тўкмаганлар. Афғонистон халқи тинчлик ва тараққиёт йўлидан олга бораверади.

Қўшни мамлакатларимиз халқларининг туб ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушадиган анаъанавий дўстона афғон-совет муносабатлари ва унда очилаётган янги босқич бундан буён ҳам ривожланаверади.

Совет халқига, Совет Иттифоқи раҳбариятига совет жамиятини қайта қуришда, Ер юзида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун курашда янги катта муваффақиятлар тилаймиз.

Афғонистон Республикасининг Президенти, Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари

НАЖИБУЛЛО

Афғонистон Республикасининг Бош министри

С. КЕШТМАНД

ВАТАНГА ҚАЙТИШ ЙЎЛИДА

КОБУЛ, 15 май. ТАСС махсус мухбирлари Г. Байков билан М. Захарчук хабар қиладилар: бугун эрталаб Жалолободдан чиқиб кетган мотоўқчи қисмнинг дастлабки бўлинмалари маҳаллий вақт билан соат 15 дан 30 минут ўтганда Кобулга етиб келди.

Шаҳар бўсағасидан анча олисда пойтахт ва теварак атрофдаги қишлоқларнинг минглаб аҳолиси, афғон армиясининг жангчилари, дунёнинг турли мамлакатлари оммавий ахборот воситаларининг икки юздан кўпроқ вакили совет интернационалчи жангчиларини кутиб олиш учун чиқдилар.

...Пули Чархий райони Кобулдан тахминан 20 километр нарида жойлашган. Тепалик орқасидан биринчи бронетранспортер кўринади. Овозни кучайтирувчи радиокарнайлар: «Яшасин Совет — Афғонистон дўстлиги!», «Раҳмат сизларга, совет жангчилари!» деган сўзларни ҳамма ёққа таратди. Баҳайбат жанговар машиналарга болалар сакраб чиқиб олишади, гуллар ёғилади. Колонна планлаштирилмаган жойда тўхташга мажбур бўлади. Телевидение компанияларининг, энг йирик ахборот агентликлари ва газеталарнинг вакиллари фурсатдан фойдаланиб, чанг босган бронетранспортерларга чиқадилар. Мана шундай одатдан ташқари «десант» билан колонна одамлар орасидан ўтиб, тунаш жойига юра бошлайди.

«Марш олий даражада уюшқоқлик билан жуда муваффақиятли ўтди. Талафот йўқ», — деди сиёсий ходим, Қизил Юлдуз ордени нишондори подполковник О. Кривопалов ТАСС мухбирларига.

Мотоўқчи жангчилар дам олганларидан кейин эртага Афғонистон — Совет дўстлиги митингида қатнашадилар, сўнгра Ватанга йўл оладилар.

ИРРИГАЦИЯ: КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

16 май куни Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган тантанали йиғилиш «Туркистондаги суғориш ишларига 50 миллион сўм ажратиш ва шу ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги Ленин Декретининг 70 йиллигига бағишланди. Йиғилишда республика сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалигининг ходимлари, олимлар ва мутахассислар, республика партия ва совет органлари, жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Х. Жўрабеков «Ўзбекистонда ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисидаги Ленин плани йўлидан 70 йил» мавзуида доклад қилди.

В. И. Ленин РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Декретини имзолаган кундан бери ўтган етмиш йил ичида республиканинг сув хўжалиги катта ва мураккаб йўлни босиб ўтиб, халқ хўжалигининг юксак даражада тараққий этган тармоғига айланганлиги айтиб ўтилди.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги суғориладиган ерлар 4 миллион гектардан ошади. Деҳқончилик жами маҳсулотининг 97 процепти шу ерларда етиштирилмоқда. Сув хўжалиги ташкилотлари 25 та сув омборига, 200 минг километр суғориш каналларига хизмат қилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленумидан кейин мелиорация ва сув хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ тармоқларда ялпи маҳсулот етиштириш 2,4 баравар ортди. Бу —аҳоли сони 10,2 миллондан 18 миллион кишига кўпайгани ҳолда, республикада аҳоли жон бошига миллий даромад қариб 1,8 баравар кўпайишига талай даражада ёрдам берди.

Шу билан бирга республикада суғоришнинг мавжуд ички резервлари ва имкониятларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда, деб таъкидланди йиғилишда. Суғорма деҳқончилик сифат жиҳатидан янги даражага чиқишини таъминловчи муҳим масалалар суст ҳал этиляпти. Кўп йиллар мобайнида асосий маблағлар бўз ерларни ўзлаштиришга, янги совхозлар тузишга сарфланиб келди-ю, суғориладиган ерларнинг самарадорлигини ошириш вазифаси эса иккинчи даражали ишлар қаторига тушириб қўйилди.

Республика Компартиясининг XXI съезди ана шу нуқсон ва хатоликларни тўғри кўрсатиб берди. Ўзбекистонда суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши экстенсив йўлдан борганлиги айтилди. Бу эса мавжуд сув ресурсларининг амалда ниҳоятда камайиб кетишига, Орол денгизи районида экологик вазият бузилишига олиб келди.

Мелиоратив системалар сифатининг пастлиги, хўжасизлик натижасида суғорма ерларнинг анчасидан тегишли самара олинмаяпти. Хўжалик ички суғориш ва коллектор-зовур тармоқлари дуруст ишлатилмаяпти. Мелиорацияда фан-техника тараққиёти ютуқлари ниҳоятда суст жорий этилмоқда. Олимлар ва инженерлар ирригаторлардан катта қарздор бўлиб қолдилар.

Ҳозир республикада бир гектар ерни суғоришга нормадаги 10—11 минг куб метр ўрнига йилига ўрта ҳисобда 14 минг куб метр сув сарфланмоқда. Суғориш методларининг номукаммаллиги туфайли далаларда айниқса кўп сув исроф бўлмоқда. Амалда синовдан ўтган самарали қайишқоқ шланг ёрдамида нов ариқлар, ёмғирлатиш машиналаридан чоғроқ участкалардагина фойдаланилмоқда.

Мирзачўл, Жиззах, Қарши чўлларининг, Қоравулбозор массивининг қўриқ хўжаликларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резерви бор. Бугунги кунда шундай майдонларнинг ярим миллион гектарга яқини бераётган ҳосил лойиҳадагидан анча оз. Бўз ерларда барпо этилган хўжаликларда социал-маиший аҳамиятдаги объектлар қуриш ўзлаштирилаётган майдонлар ҳажмидан анча орқада.

Бугунги кунда мелиорация ишлари қайтадан кўриб чиқилди. Партия XXVII съездининг қарорига, КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё республикалари табиий-иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги тўғрисидаги қарорига мувофиқ сув хўжалиги қурилишида инвестиция сиёсати кескин ўзгартирилди. Бундан буён капитал маблағларнинг 70 процентдан кўпи олдиндан фойдаланиб келинган ерларни комплекс равишда реконструкция қилишга сарфланади. Сувни тежаш учун қатъий кураш олиб борилмоқда, мавжуд мелиорация фондини интенсив равишда ишлатиш йўлга қўйилмоқда.

Маблағларнинг асосий ҳажми соҳани техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлашга, такомиллашган зовур системаларини қуриш, каналлар, коллекторларни комплекс равишда реконструкция қилишга сарфланмоқда. Сув хўжалиги ташкилотларининг пировард натижа учун масъулиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ирригаторлар орасида хўжалик ҳисобидаги муносабатлар жорий этила бошланди, сувга ҳақ тўлаб фойдаланишни жорий этиш тажрибаси ўтказилмоқда.

САНИИР илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг, Амударё ва Сирдарё республикаларо ҳавза бошқармаларининг тузилиши катта ташкилий тадбирлардан бўлди. Сувни тежайдиган технологиялар ишлаб чиқилди ва улардан амалда фойдаланила бошлади.

1991 йилгача юз минг гектардан зиёд суғориладиган ерларни реконструкция қилиш, қариб 350 минг гектар ерда мукаммал зовур системаларини қуриш, яна шунча майдонда илғор технология ва суғориш техникасини жорий этиш кўзда тутилган.

Сирдарё сув ресурсларини автоматлаштирилган бошқариш системаси шу йилиёқ 500 миллион куб метр сувни тежаш имконини беради.

Сувни тежайдиган тадбирлар Амударё этакларида алоҳида аҳамият касб этади. Дельта қуйи қисмида ҳамда Орол денгизининг суви қочган тубида табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари амалга оширила бошлади.

Ҳозир халқ хўжалигида жорий этилаётган янги иқтисодий механизм давлат ирригация системаларидан хўжаликлар олаётган сувга ҳақ белгилашни қатъий талаб қилмоқда. 1991 йилдан бошлаб ҳамма ерда шундай тадбир жорий этилади. Бу эса сувга омилкорлик билан муносабатда бўлишга, техника тараққиётини ривожлантиришга кўмак беради.

Ҳозир Ўзбекистонда суғориладиган ер самарасини кўпайтиришдан кўра муҳимроқ муаммо йўқ бўлса керак. Уни ҳал этиш совет кишилари турмуш даражасини муттасил ошириб боришдан иборат партия фаолиятининг олий мақсадига эришишга бевосита боғлиқдир. Республикада мелиорация ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтармай туриб, бу мақсадга эришиб бўлмайди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. И. Огарок, Қ. Саликов, П. Ҳабибуллаев, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари В. Ф. Моховиков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИНИ ЯНГИ ДАРАЖАГА КЎТАРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида семинар-кенгаш бўлди. Унда республиканинг хорижий мамлакатлар билан алоқаларини такомиллаштириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Семинар-кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг масъул ходимлари, область партия комитетларининг секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, республика министрликлари, идоралари, корхоналари ва ташкилотлари партия ташкилотларининг раҳбарлари ва секретарлари, етакчи мутахассислари қатнашдилар. Семинар-кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Отажонов олиб борди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов ва КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. И. Мишенин доклад қилишди.

Кенгашда экономикани бошқаришни қайта қуриш ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун кенг истиқболлар очиши ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириши таъкидланди. Бундай алоқалардан фойдаланиш фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштиришга, маҳсулот сифатини оширишга, республика экспорт базасини кенгайтиришга, аҳолини халқ истеъмоли моллари билан таъминлашни яхшилашга имкон беради.

Бу ишга Ўзбекбирлашув, «Совпластитал» корхонаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкентдаги 2-пойабзал фабрикасининг коллективлари фаол киришиб, ижодий ёндашмоқдалар. Республика Давлат агросаноат комитети, Маҳаллий саноат министрлиги ва Тошкент марказий университети чет эллик шериклар билан иқтисодий алоқалар ўрнатишда дастлабки қадамларни қўймоқда.

Шу билан бирга ҳозир Ўзбекистон ССРнинг Совет Иттифоқи ташқи иқтисодий алоқаларида қатнашиш даражаси унинг мавжуд имкониятларига жавоб бермайди. Партия комитетлари, совет органлари, министрликлар, корхоналар ва ташкилотлар ўз олдиларида очилаётган ташқи иқтисодий истиқболларни ҳали яхши тасаввур этмаяптилар, бу иш ўзлари учун манфаатли эканлигини кўрмаяптилар.

Семинар-кенгаш психологик тўсиқларни бартараф этиш, хўжалик раҳбарларида соғлом савдо-сотиқ фаолиятига қизиқиш уйготиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат қобилиятини ошириш, унинг халқаро бозорга чиқишини таъминлаш учун нималар қилиш зарурлиги ҳақида суҳбатлашиб олинди. Бу муаммони ҳал этишнинг асосий йўлларидан бири, дейишди нотиқлар, республика корхоналари билан социалистик мамлакатлардаги хорижий шериклар ўртасида бевосита алоқалар ўрнатишдир.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш йўлидаги қийинчиликларнинг сабаблари таҳлил этилди, уларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди. Халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг илғор тажрибасини пропаганда қилишда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти суст эканлиги ҳу ишдаги жиддий камчиликлардан ҳисобланади.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Афғонистон ва Ҳиндистон Республикалари билан бевосита алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришди. Биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги алоқаларни бундан буён ҳам ривожлантириш, ишнинг ана шу соҳасида қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

Ёзувчилар союзи правлениесининг пленуми

Тошкентда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчиларининг нутқларида жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қайта қуришга сўз усталари қўшадиган ҳиссани оширишга таллуқли масалалар тилга олинди. Табиатдан оқилона, ишнинг кўзини билиб фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси муаммоларини ҳал этиш ёзувчиларнинг энг муҳим вазифаси эканлиги таъкидланди. Интернационал тарбия масалалари ўртага қўйилди. Бу ўринда ёзувчи сўзи, унинг сиёсий етуклиги, интернационализм ва ватанпарварлик моҳиятини тушуниши муҳим эканлиги таъкидланди.

Пленум қарори билан ана шу ижодий союз президиуми секретариатга айлантирилди.

Пленум Асқад Мухтор ижодий ишга ўтганлиги муносабати билан уни республика Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари вазифасидан озод қилди. Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Москва Халқаро журналистика институтида таълим олаётган Африка давлатлари журналистларининг катта группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Улар орасида Бенин, Гвинея, Мали, Кот-д Ивуара, Мадагаскар, Сенегал, Конго, Того вакиллари бор.

Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига бордилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, республика газеталари ва журналлари редакцияларида ўз ҳамкасблари билан, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети раҳбарлари билан учрашдилар.

Африка давлатларидан келган журналистлар Тошкент тўқимачилик комбинатида, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетида бўлдилар, шаҳар атрофидаги совхозга, Чимён дам олиш зонасига сафар қилдилар. Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти активлари билан учрашдилар.

Журналистлар группасини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ИЖАРА ПУДРАТИ — ОЗИҚ-ОВҚАТ МАЪМУРЧИЛИГИГА ОЛИБ БОРАДИГАН ЭНГ ҚИСҚА ЙЎЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қилишга давлат қабулини жалб этдик. Ўйлайманки, мана шуларнинг ҳаммаси бизни товарларга ҳам кўпроқ эга бўладиган, уларнинг турлари ҳам кўп, сифати ҳам юқори бўладиган марра сари яқинлаштира беради.

Ўртоқлар, бутун қайта қуришнинг гоят катта миқёсларини назарда тутганда, у муайян вақтни олади, чунки бутун экономикани янги фан-техника даражасига ўтказиш, унга янги тус бағишлаш, мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ўзгартириш лозим бўлади. Демак, аввало машинасозликни модернизациялаш вазифаларини ҳал этиш керак. Машинасозлик орқали эса уларнинг ҳаммаси кенг кўламларда халқ хўжалигининг қолган тармоқларига ёйилади. Шу тарика биз янги технологиялар — тежамли, ресурсларни иқтисод қиладиган ҳамда яхши сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи технологияларни жорий этиш йўлини очамиз. Демак, мана шу бутун салмоқли ғилдирак зўр куч билан ишлаб кетгунга қадар, структуравий силжитда барча режаларимиз рўёбга чиққунга қадар вақт талаб этилади. Ҳар бир йил қўшимча бериб, халқ хўжалигимизнинг қиёфасини ўзгартириб боради, албатта. Аммо бутун ишлаб чиқариш аппаратимиз сифат жиҳатидан ўзгариб кетадиган босқичга чиқиб олиш учун муайян йиллар талаб этилади.

Лекин, ўртоқлар, мен айтаётган муаммоларни ва биринчи навбатда озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишни пайсалга сола олмаймиз. Масалан шундай қўйиш мумкин: мамлакатга, халққа ушбу муаммони тезликда ҳал қилиш шу қадар зарур экан, у ҳолда мамлакат, халқ мазкур секторга яна ҳам кўпроқ эътибор бераверсин. Ҳозир марказда ҳам, республика, область даражасида ҳам, бутун мамлакатнинг меҳнат коллективларида ҳам бунга англашяпти, деб ўйлайман. Шу секторнинг муҳимлигини қишлоқни социал ривожлантириш муҳимлигини англашмоқда. Биз ҳам бу соҳада катта-катта режаларни амалга оширяпмиз. Бу режалар барча муаммоларни дарҳол бартараф этади, деб айта олмайман, йўқ, бунда ҳам вақт талаб этилади. Биз қишлоқнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитларини яхшилашни давом эттираверамиз. Бундай ёндашувлар шубҳасиз, қишлоқда кўзга ташланиб қолган ижобий жараёнларга кўмаклашади.

Марказий Комитетнинг июнь Пленумида айтиб ўтганимиздек, озиқ-овқат масаласини ҳал этишда икки-уч йил ичидаёқ анча олға силжиш тўғрисидаги масалани қўйиш тўғрими? Ўртоқлар, биз фактлар тазъйиқи остидагина шундай хулосага келганимиз йўқ ва икки-уч йил ичида мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларига доир ишларнинг аҳволини анча ўзгартиришга эришиш шиорини хотиржам бўлиш учунгина олға суриб қолганимиз йўқ. Биз аграр секторимиз ҳозир эга бўлган имкониятларни ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил қилиб чиқдик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўстиришда ҳаддан ташқари кам натижа берган бутун ўша йиллар мобайнида у шунга қарамай, янги фондларни ҳам, социал ривожланиш соҳасида муайян ёрдамни ҳам олаверган эди. Ҳозир бизнинг қишлоқ аҳлимиз маълумотли, янги техника ва технологияни уддалай оладиган халқдир. Қисқа қилиб айтганда, ҳозиргача қишлоқда тўпланган имкониятдан самара олиш керак.

Бизнинг ҳали ночор аҳволда қолиб ёрдамга муҳтож бўлган Ноқоратупроқ зона каби регионимизни олиб кўрайлик. Бу ерда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда жиддий хатоларга йўл қўйилди, неча ўн йиллар мобайнида ҳамма нарса саноатни тараққий эттиришга сарфланди, бу эса Ноқоратупроқ зонадаги қишлоқларнинг кимсасиз бўлиб қолишига олиб келди. Лекин, ҳатто шу ерда ҳам янгича ёндашувлар асосида ишга чинакамига киришган кишилар ҳайрон қоларли натижаларга эриш моқдалар. Биз шундай хулосага келмоқдамизки, агар биз ерга ёрдам берсак, шу ерда яшаётган инсонга кўмаклашсак, уни уй-жой билан таъминласак, хуллас унга тегишли социал шароитларни яратиб берсак, бу жой қишлоқ хўжалигини юритишда энг гарантияланган районларнинг бири бўлиб қолади. Аввало, Ноқоратупроқ зонада йўллар муаммосини ҳал этайлик. Беш йиллик давомида ҳам биз йўллар қурилишига 37 миллиард сўм маблағ топганлигимизни айтиб ўтмоқчиман. Ушбу вазифани ҳал этмоқ учун ўзимизнинг барча энг қудратли ташкилотларимизни, ҳатто ҳарбий қурувчиларни жалб этдик. Ўзгаришлар бўлади, ўртоқлар. Бошқа регионларга келганда эса шуни айтиш керакки, бу регионларда — Белоруссияда ҳам, Болтиқ бўйида ҳам, Украинада ҳам, Шимолий Кавказда ҳам Волга бўйида ҳам. Қозоғистонда ҳам Сибирда ҳам янада кўпроқ потенциал жамғарилган. Ҳаммасини санаб ўтирмайман.

Муфассал таҳлил натижасида шундай хулосага келдикки, масалани кўндаланг қилиб қўйиш керак: ҳозиргача орттирилган потенциал самара бериши лозим. Пудрат коллективларининг иш тажрибаси бунга бизда, айниқса, ишонч ҳосил қилдирди. Мен сизларнинг иш натижаларингиз билан, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янгича шароитида бир, икки, уч йил, узоғи билан беш йил мобанида сизлар амалга оширишга муваффақ бўлган ишларингизнинг натижалари билан муфассал танишиб чиқдим. Сизларга тасанно айтишдан бошқа нарсани изҳор қила олмайман. Наҳотки илгари — бир ёки икки йил муқаддам — сизлар, шу ерда ўтирган кишилар, ерда қандай ишлаш кераклиги тўғрисида ҳеч нарсани билмаган бўлсангиз, аҳлингиз етмаган бўлса? Ишонмайман. Ҳатто бундай эмаслигига ишончим комил. Кейинги икки-уч йил тажрибаси одамларимиз озиқ-овқат масаласини ҳал этиш борасидаги енгил бўлмаган юкни ўз зиммасига олишга, қишлоқни юксалтириш учун табиат инъом қилган ташаббускорлик, ақл-фаросатни, ишнинг кўзини билишлигини намоён этишга тайёр эканликларини айниқса яққол кўрсатди.

Бирон бир колхозда, совхозда 20-30 нафар мутахассис ўн йиллар мобайнида ҳосилдорликни 1-2 центнер оширганлиги, ҳатто умуман жойидан жилмай қолаётганлиги ҳайрон қоларли ҳолқу, ахир. Мана энди шундай кишилар келишмоқдаки, улар ерни, бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ижарага ёки оилавий пудратга олиб, муайян принциплар асосида хўжалиқ раҳбарияти билан шартномалар тузмоқдалар, ҳамда бир йил, узоғи билан икки йил ичида ҳосилдорликни 10-15 центнер оширмоқдалар, соғиб олинаётган сут миқдорини икки ярим минг килограммдан беш-олти минг килограммга етказмоқдалар. Айни битта йириқ фермада, бир корпусда оилавий пудрат асосида ишлаётган коллектив бир тўда ёш сигирлардан 4100 килограмм, у билан ёнма-ён эса оилавий пудрат асосида ишламаётган ўртоқлари атиги 2500 килограммдан сут соғиб олмоқдалар.

Эндиликда меҳнатни ташкил этишнинг мана шу янги, самарали формалари ҳамма жойда синаб кўрилди, бутун мамлакат тажрибага эга. Ўртоқлар, сизлар ҳам ўз тажрибангиз билан КПСС Марказий Комитети ва Ҳукумат ўртага қўйган вазифанинг — икки-уч йил ичида қишлоқ хўжалигидаги ишларни қатъиян кучайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда, мамлакатда Озиқ-овқат программасини амалга оширишда анча олға силжиш вазифасининг тўғрилигини исботлаяпсиз. Ҳозирдаёқ бутун мамлакат эга бўлган тажрибага таяниб аграр секторнинг барча йўналишларида шундай қилиш керак.

Биз масалани шундай қўймоқдамиз — ҳеч ким одамнинг пудрат, шу жумладан ижара пудрати асосида ишлашга ўтишини рад этиши ва бунга халақит қилиши мумкин эмас. Ҳеч ким рад қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бунинг устига рад этиш йўлини тутаётган, ишнинг мана шу янги формаларига ўтишга халақит бераётган кимсаларга колхоз, совхозга раҳбарлик қилишни ишонич бўлмайди.

Ҳозир кўпгина мутахассислар жуда бесаранжом бўлиб қолишган, дейишмоқда. Бу тушунарли бир ҳолдир. Уларнинг баъзилари ўн-йигирма йил мобайнида агрономия ёки зоотехника ишлари билан шуғулланиб келишган, натижалар эса секинлик билан ўсган. Бунда эса одам бир, икки, уч йил ичида ҳосилдорлик жиҳатидан ҳам, чорва маҳсулдорлиги жиҳатидан ҳам юксак марраларга чиқиб олмоқда. Иқтисодий кўрсаткичлар ҳам ўзгариб бормоқда.

Бироқ ўртоқлар, кимнингдир обрўсига зарба урилаётганига эмас, балки мамлакатнинг, бутун халқимизнинг манфаатларига амал қилишимиз лозим. Қоланверса, кўпчиликнинг обрўси ҳам пуч бўлиб чиқди. Яхши мутахассислар эса аксинча, бу янги ишга бажонидил қўшилдилар. Янги коллективларга бориб, уларга бошчилиқ қилдилар.

Бу ерда, учрашувда, кўпгина собиқ зоотехниклар, агрономлар тўпиришибди, эндиликда улар ижарага олиш, пудрат асосида ишлаб чиқариш коллективларига бошчилик қилмоқдалар. Мана бу — тўғри йўл! Мана шуниси жуда соз! Биз буни мутахассисларнинг гражданлик иши деб ҳисоблаймиз. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида янги формаларнинг жорий этилишига халақит бераётган кимсалар, дангал айтадиган бўлсам, йўлни бўшатиб қўйишлари керак. Пудратга, ижара пудратига йўл очиш, қишлоқ хўжалигида ҳамма нарса ҳаракатга келиши учун ташаббускор кишиларга ёрдам бериш — барчага қўяётган талабимиздир. Бутун партиянинг, барча партия комитетларининг вазифаси — новаторларни қўллаб-қувватлашдан, янги ишни қўллаб-қувватлашдан, ёппасига пудратга ўтиш учун шарт-шароитларни таъминлашдан иборатдир.

Бу нарса жамики ҳаддан ошишлар билан ялпи коллективлаштиришни эслатишини истамасдим, холос. Йўқ, вазият айни тубдан фарқ қилади. Одамларимиз янгича ишлашга шайдирлар. Колхоз ва совхозларимиз ички хўжалик кооперативларини тузиш ҳисобига ўз потенциалини яна ҳам тўлиқроқ намоён этишлари мумкин. Энг муҳими эса, одамларда ишга киришиш, ўзини соҳиб деб ҳис этиш, ўз маҳоратини рўёбга чиқариш иштиёқи бор. Ахир бу бутунлай бошқача вазият-ку! Коллективлаштириш даврида ҳали инсон ҳамма нарсани чуқур ўйлаб кўрмаган бир пайтда мажбурий иш тутишган эди. Қўпол қилиб айтганда, баъзи жойларда одамларни колхозларга ҳайдаб киритишганди.

Ҳозир эса бошқача манзара. Лекин буни қарангки, яна бир мушкуллик пайдо бўлиб қолди. Одамлар янги йўлдан боришни истамоқдалар, кўплар эса уларга халақит қилиб, ҳамон шубҳаланмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси маъмурий системанинг сарқитлари бўлиб, унинг моҳияти, агар қисқача таърифлайдиган бўлсак, буйруқларга ишонишдан ва ҳозирги оддий инсон — ишчи ҳам, колхозчи ҳам, мутахассис ҳам фаол, мустақил ҳаракат қилишга тайёр эканлигига ишонмасликдан иборатдир.

Шу боисдан биз бу ишга қатъий бел боғлаганмиз. Буни мен жуда рўй-рост айтяпман, чунки икки-уч йил мобайнида озиқ-овқат масаласини ҳал этиш йўлида анча олға силжишдан иборат гоят жиддий мажбуриятларни қабул қилганмиз. Одамлар биз мана шу вазифани ҳал этиш учун нималар қилаётганимизни кузатиб туришади. Улар бу бизни хотиржам қилиш учунгина ўртага ташланган навбатдаги шиор эмасмикан, деб ўйлашади.

Учрашувимизнинг моҳияти ва гурунгимиз мавзуси мана шундан иборат. КПСС Марказий Комитети билан ҳукуматнинг бу позициясига қандай баҳо бераётганингизни, мазкур вазифанинг қўйилишига қандай назар билан қараётганингизни ва сизларнинг тажрибангиз нималарни кўрсатаётганини, бу тажриба нималардан далолат бераётганини эшитишни ҳоҳлардик. Раҳбарият ишни кучлироқ ва тезроқ олға силжитишни истайди. Аммо истак аграр секторнинг ўзидаги, қишлоқ хўжалигидаги реал жараёнларга таянмаганида, у эзгуистаккагина айланиб қолади. Биз эса ҳозир катта-катта имкониятларга эга бўлган босқичга етиб келдик.

Биз аграр секторимизни мустаҳкамлайдиган вазифаларни ҳал қилишни давом эттираверамиз, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ масалани мана шундай қўйиш керак. Ўртоқлар, биз масалани тўғри, реалистик тарзда, кабинетлардан ташқарида, пухта ўйлаб ўртага қўймоқдамиз, деб ўйлайман. Бугунги учрашув муҳим ва рўй-рост масалага бағишланган. Мамлакатда биз озиқ-овқат масаласини қай тарзда ҳал этишимизга қизиқиш гоят катта.

Тула область Ясногорка районидаги «Зибино» давлат наслчилик заводи директори **А. Ю. Кузьмичев** биринчи бўлиб сўз олди. Бугун, деди у, ижара пудрати ташаббускорлари шундай мадад олмоқдаларки, кишининг ишлагиси ва бор куч-қувватларини сарфлагиси келади. Булар шунчайин гап эмас.

Ноқоратупроқ зонанинг қишлоқ хўжалиги жуда катта имкониятларга эга. Кейинги йилларда бизда меҳнатни ташкил этиш янги самарали шакл ва методларини жорий қилиш билан ялпи маҳсулот етиштириш анча кўпайди. Биз кейинги уч йилда маҳсулотни ялпи ишлаб чиқариш ва реализация қилишни йигирма процентдан зиёд кўпайтирдик. Бу аввалги база асосида бўлди.

Ишлаб чиқаришни янада ўстиришни асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш ҳисобига таъминлашни мўлжалламоқдамиз.

Асосий фондларни якка хўжайинга қандай қилиб «боғлаш» керак? Илгари фондларни ким тақсимларди? — Бу муаммолар бизда аввал ҳал этилмаган эди. Биз шу фондлар совхозники, демак уларга ишчилар эгалик қилишлари керак дердик. Лекин амалда ишлар қандай эди? Амалда ишчилар фондларга эгалик қилмай, ялпи маҳсулот учун курашдилар, холос.

Ҳозир биз ишчиларни фонд учун, фонддан фойдаланиш учун масъулиятни ҳис этишга, уларни машиналарни етти йилга, тракторларни эса то яроқсиз ҳолга келгунича ижарага олишга ўргата бошладик. Бу иш харажатларни кўп марта камайтирганини кўрдик. Биз бу рақамларни келтиришдан чўчиймиз, чунки бу биз ҳатто тасаввур ҳам этолмайдиган ресурсдир.

Ерни анча узоқ муддат билан — 10—15 йилга ижарага бериш керак, деган фикрга келдик. Бу нарса одамларнинг психологиясини бутунлай бошқача қилиб юборади. Ижара системасини тузиб бутун совхозни унга тамомила ўтказдик ва шунда яни бир вазият вужудга келдики, бунда ишчилар ўзлари ҳисоб-китоб юритадиган, ишларни режалаштирадиган бўлиб қолдилар, аввалги буйруқбозлик услуби энди ўтмай қолди!

Одам ўзини аллақандай мардикор эмас, балки ернинг эгаси, деб ҳис қила бошлади. Эндиликда унинг ўзига биркитилган машина-ускуналари бор, энди у машина ёки тракторни ҳар қандай йўлга ҳам чиқаравермайди. У йўлларни тузатинг, деб талаб қилмоқда. Зеро запас қисмлар ҳамон етишмайди.

Бугунги кунда ҳақиқий хўжайин пала-партиш иш тутмайди, у энди бошқаларнинг ҳисобидан яшай олмайди. Ижара пудратининг ҳар хил шаклларига ўтган кишилар ор-номусли одамлардир, улар ҳеч қачон бир-бирларига панд бермайдилар. Ҳозирги агроном кўрсатмалар бериб ҳеч нарсага масъулият сезмайдиган илгариги агроном эмас. Эндиликда у даромад вужудга келтиради. Бугунги кунда агроном даромад келтирадиган самарали бир технологияни таклиф этолмас экан унинг нима кераги бор?

Яна битта гап: қишлоқдаги янги вазият саноат ходимларини ҳам тежаб-тергаш тўғрисида бош қаторишга мажбур қилмоқда. Бугунги кунда қишлоқда ярайдиган машина-ускуналарнигина ишлаб чиқариш керак!

М. С. Горбачев. Колхоз, совхоз ишлаб чиқаришни ўзи режалаштиради, дейميз. Шундай экан давлатнинг буюртмаларини бу режаларда қандай қилиб акс эттириш керак, бу нарса сизда қандай амалга ошириляпти?

А. Ю. Кузьмичев. Ҳаммаси жойида. Бугунги кунда бизга етказилган давлат буюртмалари бошқача ном билан аталган бўлсада, ўша планларнинг ўзидир. Биз ижарачининг программаси асосида режа тузамиз. Ижарачи эса программасиз пул олмайди. У ўзи тузган программани мўлжаллаб пул олади. У ресурсларни тежаса фойда кўришини, бунинг устига сут учун ҳам фойда олишини билгач энди уни тўхтатиб қололмайсиз. У ҳар қандай давлат буюртмасидан ҳам зиёдроқ қилиб маҳсулот беради...

М. С. Горбачев. Демак планлаштириш негизини пастдан бошлаш керак экан да?

А. Ю. Кузьмичев. Ҳа, фақат пастдан бошлаш керак.

Экономика бизни курашишга, маҳсулотларни яхшироқ реализация қилишга, қандайдир алоқаларни яхшироқ боғлашга мажбур қилади... Лекин, таассуфки, биз ана шу вазифаларни тузук билмаймиз. Бизни ўқитадиган жой ҳам йўқ, қолбуки бу ишларни, шу системаларни албатта билиш керак.

Совхозда нарх белгилаш жуда мушкул иш. Нархни эса давлат нуқтаи назаридан белгиламоқ лозим. Мана давлат нархи бор, ўз кооперативимни ялпи ривожлантиришга 20 процентини олиб, қолганини бераман ва ҳаммага баравар шарт қўяман. Марҳамат қилиб энди ишланг.

Машинада сут соғувчиларга ҳар тонна сут учун 252 сўмдан нарх қўйилди. Бир хил кишилар даромад олиш эпини топишди, ҳатто бир вақтлар пешқадам бўлган бошқа кишилар эса ҳеч нарса олишмаяпти. Ана шундан кейин: илгари қўлимизга бир нарса тушарди, эндиликда даромад бўлмаяпти, деган гаплар чиқиб қолади. Кўрибсизки, ҳозир норози кишилар ҳам бор, чунки илгари бу система жуда яхши бўлиб, ҳаммани қониқтирарди. Бугунги кунда эса шу система билан ҳеч нарса олиб бўлмайди. Лекин, шунга қарамай, кўпчилик кишилар янги система тарафдорларидир.

Доғистон АССР Акуша районидаги Оржоникидзе номли колхоз раиси **М. А. Чартаев** гапириб, биз маълум даражада олға кетдик деди. У Автоном республиканинг етти маъмурий районида жойлашган хўжаликда чорвачиликни юритиш тажрибалари тўғрисида гапирди. 750 километр нарида туриб бошқаришга, ташкил этишга ва ҳамма муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Ана шу шароитларда колхозда ходимларнинг мустақиллиги ва ташаббусини ривожлантиришга тўғри келди. Ҳар бир колхозчи мустақил иш юритувчи эканлигини, етиштирган маҳсулотини колхозга сотишини алоҳида-алоҳида тушунтириб чиқдик. У ишлаб топган пулининг бир қисмини колхозга қолдиради, қолган ҳаммаси ўзиники бўлади. У сарфлаган моддий харажатлар ана шу пулдан қопланади. Масаланинг бундай қўйилиши натижасида одамларнинг фикр юритиши, қилаётган ишларига нисбатан муносабати тубдан ўзгариб кетди.

Бир йил мобайнида хўжаликнинг рентабеллиги анча кўтарилди, маҳсулот таннархи ярим баравар арзонлашди, уни етиштириш эса 40 процент кўпайди. Ҳисоб-китоб шакли ҳам, планлаштириш ҳам ўзгарди. Хўжаликкача етказиладиган давлат планлари, буюртмалари асосида сут соғувчи, подачи, картошка етиштирувчи ва бошқа ҳар бир ижрочи учун алоҳида-алоҳида топшириқ белгиланади. Колхоз бошқармасининг аппарати колхоз соф даромадидангина пул олади. Колхоз соф даромад кўрса — улар ҳам даромад оладилар. Бизда ҳеч қандай маош, ставка, разряд, норма йўқ, ҳеч қандай технологик карта тузилмайди, ҳеч ким билан ҳеч қандай шартнома ҳам тузилмайди, чунки бошқариш аппаратининг ўзи хўжайин бўлади, шартномалар эса мен кимнидир ёллашимни, у эса кимгадир ишлашини таъкидлайди. Шундай бўлмаслиги учун биз бунга барҳам бердик ва бунақа нарсанинг бизга кераги йўқ, дедик. Шундай қилиб методикамизни ўргангани келаётган ўртоқлар сизда қоғоз қанчалик кам-а, демоқдалар. Қўйинг-чи, йиллик ҳисоботга атиги икки варақ қоғоз ва ишлаб чиқариш молия планига яна икки варақ қоғоз кетади. Қолганларининг сира кераги йўқ. Чунки бюрократик аппарат принципининг ўзи йўқолади.

Ҳисоб нархини тузиш қийин, дейишади. Лекин бу иш билан шуғулласанг бюрократик аппаратни кўпайтириб юборамиз. Шунинг учун ҳам давлат белгилаб берган нархнинг ўзгинча бўлиши керак. Колхоз учун давлат харид нархи, ўзи маҳсулот етиштирувчи якка колхозчи учун эса бошқа харид нархи бўлади.

Колхоз тажрибалари билан танишгани келган ўртоқлар ишни охиридан бошлабсиз, демоқдалар. Лекин шу охиридан бошлаш биз учун тўғри, адолатли бўлиб чиқди: хўжалик қисқа муддат ичида ялпи даромадини ошириб, паст рентабелли хўжаликдан юксак даромадли хўжаликка айланди.

М. С. Горбачев. Тоғ шароитида бундай қизиқарли ишлар ўйлаб топиш мумкинлигини ҳатто кутмаган эканман. Бу жойларда шароит жуда мураккаб-ку, ахир.

Ивано-Франковск область Коломия районидаги «Прапор коммунизма» колхози ижарачи коллективининг раҳбари **Р. С. Романюк** сўз олиб, якдил кишилар группасини тузиш ижара пудратида асосий ишдир, деди. Бунда тобора кўп маҳсулот етиштириш ҳар бир кишининг, шу киши оиласининг манфаатларига путур етказмаслиги керак ишларни шундай маҳорат билан ташкил қилмоқ керакки, эрта тонгдан шом қоронғусигача эмас, балки миришкорлик билан сермаҳсул, энг кўп самара билан ишлаб, яхши натижаларга эришмоқ керак, деб ҳисоблайди нотиқ.

Р. С. Романюк ўз коллективи бунга қандай қилиб эришаётганлиги тўғрисида гапириб, ташаббускорлар ҳамдўстлиги самараларини характерловчи баъзи маълумотларни келтирди. Бу ерда икки йил ичида донли экинлар ҳосилдорлиги гектар бошига ўрта ҳисобда 51 центнер бўлган, колхоз бўйича эса ана шу рақам 47,2 центнерни ташкил этди. Бир механизатор ҳисобидан етиштирилган маҳсулот 30,5 минг сўм (колхоз бўйича 19,6 минг сўм) бўлган. Маҳсулот етиштириш таннархи, меҳнат сарфи ҳам колхоздагидан паст бўлган. Шу билан бирга, деди нотиқ, ижарачилар зарур ҳамма моддий-техника воситаларини колхоздан харид этмоқдалар, етиштирган маҳсулотларини ҳам шу колхозга сотмоқдалар. Хўжалик мутахассислари эса янги илғор технологияларни жорий этишда ёрдам бермоқдалар, ишларни қандай қилиб яхши олиб боришга ўргатмоқдалар ва, ниҳоят, маҳсулот сифатини текшириб, уни қабул қилиб олмоқдалар. Ҳозир новаторлардан ўрнак олиб, ерни ижарага олишнинг ҳар хил усулларини қўллаётган яна тўрт-бешта шундай бригада тузилди. Боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачиликда ҳам шундай бригадалар бор.

Демак, ижара пудрати кенгайтирилаётган экан, у керакли, истиқболли бўлиб чиқади. Буни шахсан сездим, деб таъкидлади коллективларнинг мустақиллиги ва ташаббус раҳбари. Одамлар билан ишламасангиз ҳеч бир иш чиқмайди, деди у. У деҳқонлар ўртасидаги муносабатлар гоятда яқин бўлишини, улар бир-бирларини астойдил қўллаб-қувватлашларини муваффақият сабабларидан бири, деб билади.

Нотиқ ижара пудратининг истиқболларига тўхталиб, уни чуқурлаштириш, такомиллаштириш зарурлигини айтди.

Ижарачилар — бошқаларга аралашмайдиган одамлар дейишади, деди Р. С. Романюк. Улар йиғилишларга, правлениенинг мажлисларига қатнамайдилар, турмушдан орқада қолиб кетадилар, ҳеч нарса ўқимайдилар, дейишади. Ҳолбуки, шундай эмас. Биз иш, маҳсулот етиштириш тўғрисидагина ўйлаб қолмаймиз. Биз учун энг муҳими — одам. Шериғимнинг боласи қандай ўқиётганига бефарқ қаролмайман. Мактабга бориб аҳволни кўриб чиқамиз. Мактаб билан алоқаларимиз мустаҳкам. 7—10-синф болаларини таклиф этиб, тузилган «Ёш ғаллакор» меҳнат бирлашмасига кузги буғдой экилган 10 гектар ерни бириктириб қўйдик. Мактаб ўқувчиларига: сизга буғдой қандай етиштирилишини ўргатамиз, ахир сиз бизнинг ўринбосарларимизсиз-ку, дейميз. Болалар машина-ускуналарни ремонт қилишда бизга актив ёрдам бермоқдалар, ҳосил ўрим-йиғимида қатнашмоқдалар. Хуллас, бизда резервлар бор — улар деҳқонларнинг меҳнати нима эканлигини билиб бораётган болалардир.

Хуллас болаларимиз пул қадрига етишади, ёш ғаллакорлар қилган ишлари учун муносиб ҳақ олмоқдалар. Биз бунда «тўрт» ва «беш» баҳоларга ўқийдиганларнигина ишга таклиф этяпмиз. Болалар химия, математика, физика, бошқа фанлар нима эканлигини ҳам далада тезроқ тушуниб етмоқдалар. Шогирдларимиз бошқалардан яхшироқ ўқимоқдалар, активдирлар, ўз синфларида пешқадам бўлмоқдалар. Одамлар ҳам уларга бошқача кўз билан қарамоқдалар — буғдой қандай ўсишини, ерга қандай ишлов берилишини, экин бирон турининг экиш нормалари қандай эканлигини оғизда эмас амалда биладиган ҳақиқий меҳнаткаш ўсаётганлигини кўриб турибдилар.

Бизда ёнғинамизда юриб иш ўрганган механизаторларга ўхшаш механизаторлар тайёрлайдиган ҳунартехника билим юрти бўлмаса керак, дейман. Орадан тўрт йил ўтгач, улар ернинг баркамол деҳқонлари бўлиб етишадилар. Ота-оналар билан келишиб олдик. Болаларга новвосларни ижарага беришни таклиф этяпмиз. Улар новвосларни ўзлари далада етиштирган ем-хашак билан боқадилар.

Эстония ССР Пярну районидаги «Нимме» совхозининг ер ижарачиси **А. Э. Берк** ўз нутқини мен таъбир жоиз бўлса совет фермерлари номидан, бошқача қилиб айтганда — якка тартибдаги ишлаб чиқариш номидан гапиряпман, деб бошлади. Бизда хуторлик хусусияти тўла-тўкис сақланиб қолган. Чунки биз, масалан Қозоғистон билан тенглаша олмаймиз. Биздаги далалар жуда кичик. Ҳар бир регионнинг ўз қонунлари бор, қанақаси яхши бўлса шуни қилиш керак. Лекин биз катта хўжаликларни бузмаймиз. Катта-катта фермалар ҳам, бошқа ҳар қандай ишлаб чиқариш участкалари ҳам қолаверади. Лекин энди улар кўпроқ бўлади. Бирда масалан, совхоз билан шартнома муносабатлари бор, умуман олганда мен совхоз паноҳидаман.

Биринчи навбатда, якка тартибдаги ишни ўрганиш лозим. Биз уни чуқур билиб олсак ишларимиз юришиб кетади.

Ҳозирги ютуқларимиз нималардан иборат! Ердан фойдаланиш самарадорлигини 2,2 баравар оширяпмиз. Транспорт муаммосини ҳал этяпмиз. Чунки совхозларнинг ишчининг кўпинча 30 километрдан наридаги далага боришига тўғри келади, менинг участкам ораси эса атиги 300 метр. Бунинг нафи қандай эканлигини ҳар бир киши ҳисоблаб чиқара оладди.

Якка тартибдаги иш совхозда кадрлар сонини камайтиришга имкон беради. Ҳисоб-китобларимизга кўра кадрлар сонини 40 процент камайтирса бўлади.

Қишлоқни социал ривожлантириш — ҳаётий масаладир. Бу масала тезроқ ҳал этилса қишлоқ аҳли ҳам ортади.

Ташландиқ ерларни ишга солсак давлатдан ем-хашак харид этиб юрмаймиз. Уни ўз даламизда юз процент етиштира оламиз. Хўш буни яхшилаб амалга ошириш учун бизга нима керак? Ҳозирча мамлакатимизда бизнинг шароитимизда фойдаланса бўладиган машина-ускуналар ва технология йўқ. Энг биринчи навбатда зарур машина-ускуналарни бериб, ишлаш учун шароит яратиш ва шундан кейингина қанча даромад тушишини мўлжаллаш мумкин, деб ҳисоблайман.

Яна бир масала. Хуторлар билан шуғулланадиган кишиларга давлат процентсиз қарз бериб туриши керак. Ҳар бир кишига эмас, балки иморат қурадиганларгагина берилса нафли бўлур эди.

М. С. Горбачев. Мана сиз анча иш қилиб қўйибсиз, хўш натижалар қандай бўлди?

А. Э. Берк. Тўрт йилдан бери ишламоқдаман. Хотиним ва қизим ҳам қўшилишиб ишлашади. Совхоз бизга илгари фойдаланилмаган 25 гектар ерни ажратиб берди. Ташландиқ хуторни ремонтдан чиқардик, трактор ва унга тиркаладиган иш қуролларини харид этдик, чорвани батамом таъминлаш учун ем-хашакни ўзимиз етиштиряпмиз. Бултур оиламиз ҳар бош сигирдан 5 минг килограммдан сут соғиб олди, совхозга 3 тонна гўшт ва 16 тонна сут сотди.

М. С. Горбачев. Келгусида қиладиган ишларингизни қараб чиқдим, 1990 йилгача қанча бермоқчисиз.

А. Э. Берк. Менда 10 бош сигир бўлса, демак, 50—60 тонна сут ва яна 6 тонна гўшт етиштирамиз.

М. С. Горбачев. Бу Ноқоратупроқ зона учун ҳам қизиқарли тажрибадир. Уни ўрганиш керак.

Бизнинг Питалов районимиз Ноқоратупроқ зона чеккасида, Латвия чегарасида бўлса ҳам Ноқоратупроқ ерларининг ҳамма хусусиятларига эга, деди Псков область Питалов район партия комитетининг биринчи секретари **Н. Н. Воробьев.** Аввало одам камлиги меҳнат ресурслари йўқлигини айтиш лозим. Урушдан кейин қишлоқ хўжалиги тармоғида 20 мингдан кўп киши ишларди. Ҳозир 2700 киши қолган. Бинобарин бунга ер унумдорлигининг пастлиги, чорва маҳсулдорлигининг озлиги, далаларнинг бўлтак-бўлтаклиги, заҳкашликнинг таъсири бўлган.

Район коммунистлари кўп ўйлаб, кўп синаб хўриб бизнинг Ноқоратупроқ ерлар учун хўжалик ҳисобидаги даромаддан қолдиқ принципга мувофиқ ҳақ тўланадиган ижара пудрати энг яхши форма, деган хулосага келдилар. Бу форма — даромад шаклланишининг қолдиқ принципи одамларга жуда ёқади. Оддий кишилар, халқ бу формани мутахассислар, хўжаликларнинг раҳбарларидан яхшироқ тушунади ва унинг моҳиятини дарров пайқаб олади. Улар яхши ишласалар яхши ҳақ олишларини биладилар.

Районда бундан икки йил аввал ВАСХНИЛ қишлоқ хўжалик экономикаси институтининг таянч пункти очилиб, хўжаликларнинг мутахассисларига, раҳбарлар, звено бошлиқларига дарс берила бошлади. Тўғрисини айтсак, бунинг самараси бўлди. Бизда ўқиш самара бераётган ҳоллар камдан-кам бўлади-ю, лекин бу ерда ўнг келди. Хуллас бизда дастлабки ижарачилар пайдо бўлганига бир йилдан сал ошди. Ҳозир районда ҳайдаладиган ерларнинг 79 проценти ижара пудратига ўтказилган ва бир қисмигина ҳамон коллективда қолган.

Районимиз бўйича ишлаб чиқариш ҳаражатлари кам деганда бир ярим, икки баравар пасаймоқда. Самарадорлик кўрсаткичлари эса икки баравар ортмоқда. Ундан камроқлари ҳам бор.

Эндиликда одамлар етарли бўлиб қолди, оталиқ ёрдамларидан воз кечдик. Бу биринчи хусусиятдир. Иккинчи хусусият шуки,— одамлар қишлоққа кела бошлашди. Илгари қишлоқдан кетишган бўлса ҳозир аксинча. Бултур бир неча мингта хат олдик, 591 киши районга келди.

М. С. Горбачев. Қанча киши дедингиз?

Н. Н. Воробьев. 591 киши. Лекин, таассуфки Михаил Сергеевич, шулардан 267 кишигина уй-жойли бўлиб ўрнашиб қолди.

М. С. Горбачев. Чакки эмас. Боғбонлар тили билан айтганда, тутиб кетгани кўпроқ...

Н. Н. Воробьев. Лекин одамларнинг шу ерларда қолишларига нима халақит беряпти? Аввало йўлларнинг дуруст эмаслиги, социал-маданий ва маиший соҳаларнинг бўшлиги халақит беряпти, албатта Ёш оиланинг мурғак болалар билан олис қишлоқда ўрнашиб қолиши қийин. Шунинг учун биз ҳали жуда кўп ишлашимиз керак. Юридик актлар ҳам керак. Масалан, шаҳарликларнинг кўплари қишлоққа беш, ўн, ўн беш йил ишлагани боришни бажонидил хоҳларди-ю, лекин уларнинг шаҳардаги уйларини шунча вақт сақлаб туриб бўлмайди. Паспорт столи прописка сиз шартномалар тузишни тақиқлайди, ҳарбий комиссариат ҳам бунга кўшилади, агросаноат банки эса қарз олишга руҳсат бермайди. Хуллас юридик ғовлар жуда кўп...

М. С. Горбачев. Тўғри айтдингиз, бунақа ишлар қойилмақом қилинган. Ҳеч ким бу ғовлардан ўта олмайди.

Н. Н. Воробьев. Бизда тақиқловчи, Конституцияга хилоф чоралар ҳали жуда кўп. Бизга яна нималар тўғаноқ бўлаётгани тўғрисида гапириб ўтишни ҳоҳлардим. Бу аввало қолдиқ принципи, эскича моделдаги хўжалик ҳисобидир. Норматив актлардан ташқари давлат бую

ИЖАРА ПУДРАТИ — ОЗИҚ-ОВҚАТ МАЪМУРЧИЛИГИГА ОЛИБ БОРАДИГАН ЭНГ ҚИСҚА ЙЎЛ

(Давоми. Боши 1- ва 2-бетларда).

Нотиқ давлат буюртмасига тўхталиб, бу буюртма план тарзида бўлмаслиги кераклигини айтди. Масалан, менга Москва фалон миқдорда салат етиштириб бериш ҳақида буюртма юборади, бу буюртма эса комбинатга манфаатли эмас, деди сўзини давом эттириб у. Бу буюртмани қабул қилиш чоғида мен буюртмачи билан тортишишим, у ёки бу маҳсулотни етиштириш манфаатли бўлиши учун нархни белгилаб олишим керак. Аммо буюртмачи ҳам қўлоқ солиши лозим. Эҳтимол, мана шунда буюртманинг мазкур формаси мақбул бўлар ва ундан воз кечмаслик керак.

Яна бир масала. Эксперимент тарзида «Москва» агросаноат комбинатига Москва шаҳри Ленин районининг савдо тармоғини, барча ихтисослаштирилган магазинларни таъминлаш топширилди. Дастлабки пайтларда бу вазифани уддалаш жуда қийин бўлди. Юк ташувчилар, сотувчилар етишмасди, гоҳ униси, гоҳ буниси йўқ, магазинлар ифлос, маҳсулотнинг сифати ёмон эди. Маҳсулотни ҳатто қаердан олиш кераклигини ҳам ҳеч ким билмасди. Биз кўп ўйлаб, магазинларнинг коллективларини хўжалик ҳисобига ва пудратга ўтказишга қарор қилдик. Биз директорларга қанча ишчи, қанча сотувчи кераклигини ўзи белгилаш ҳуқуқини бердик, хуллас штат жадвалини кўрсатиб бермаймиз. Бино, транспортни ижарага топширдик. У қанча мол сотиши кераклиги планини белгилаб бермаймиз. Фақат бир нарсани белгиладик — маҳсулот сотишдан савдо чегирмаси мавжуд, бу чегирма ўрта ҳисобда 9 процентни ташкил этади. Мана сизларга 9 процент, ўрта ҳисобда 4,5 процентни юқори ташкилотга ўтказасизлар, маҳсулот сотишдан тушган пулнинг 4,5 проценти маош, ишлаб чиқариш чиқимлари, магазинни сақлаш, электр энергияси, транспорт, идиш ҳақини тўлаш учун сизнинг ихтиёрингизда қолади, деб айтдик.

Хўш, натижа нима бўлди? Биринчидан, одамлар магазинга ишга кириш учун навбат кутиб туришибди. Энг муҳими эса — натижа. Масалан, 2-магазин 1987 йилнинг мартида 65 минг сўмлик, 1988 йилнинг мартида эса 210 минг сўмлик маҳсулот сотди. Ўтган йилнинг апрелида шу магазиннинг ўзида 37 минг сўмлик, бу йилги апрелда эса 203 минг сўмлик маҳсулот сотилди.

Шундай бир фикр бор. Йигирма бош сигир боқиладиган қичкина ферма қурилса, Шу фермада ишлашни хоҳловчи киши бор. Чамаси, асосий ем-хашакни унга сотиш керак. Бироқ, айни вақтда, имкониятга қараб илдизмева етиштириш учун ер ажратсак, деймиз. Яна бир вариант. Москвада корейслар яшайди. Ёз фаслида сабзавот етиштиришлари ҳақида ҳозир улар билан музокара олиб олиб бораяпмиз. Мана шуларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб, қишлоқ хўжалигини тез юксалтириш учун жуда катта имкониятлар очади.

Жиззах область «СССР 50 йиллиги» совхозининг ижарачи коллективи бригадири **Ж. Эргашев**га сўз берилади. Бригада ижара пудратида биринчи йил ишламоқда, деди у. Биз совхоз билан 5 йилга шартнома тузмадик. Агар бу йил пухта ўйлаб кўрсак, 10 йилга пудрат олишимиз мумкин.

Сўнгра пахтакорлар бригадири 355 гектар экинзор бириктирилган коллективдаги меҳнатнинг ташкил этилишини айтиб берди. Ҳозир деҳқонлар ғўза қатор ораларини биринчи бор юмшатишга киришдилар.

М. С. Горбачев. Айтингчи, мана, сиз ўтган йили ишладингиз, пахтанинг таннархи совхоздагига нисбатан қандай бўлди? Сизда ҳар центнер пахтага қилинган чиқим совхоздагидан камроқми?

Ж. Эргашев. Камроқ.

М. С. Горбачев. Фойдачи?

Ж. Эргашев. Фойда яхши бўляпти.

М. С. Горбачев. Агар яхши бўлса, демак мамнунсиз. Хўш, бошқа хўжаликларда, шу жумладан сизнинг совхозингизда пудрат, ижара усулида ишламоқчи бўлганлар кўпми?

Ж. Эргашев. Бу йил бизнинг совхозимиз биринчи бўлиб шу усулга ўтди. Қўшни хўжаликлар ҳам ўтишяпти.

М. С. Горбачев. Демак, бу усул қабул қилиняпти. Яхши.

Ростов область Зерноград районидаги Ленин номли колхоз раиси **Б. А. Зинченко** минбарга чиқади. Мен қарийб 30 минг гектар экинзорга эга бўлган хўжаликнинг вакилиман, деди у. Бизда ўтлоқлар, яйловлар йўқ, ҳамма ерга экин экиладди.

Биз аллақачон бригада пудратига ўтганмиз. Бригада пудрати бизга катта манфаат келтирди. Асосий турдаги маҳсулотларни етиштириш амалда икки ҳисса ва уч ҳисса ортди. Ишлаш мумкин ва ишлаш лозим. Баъзи кишилар, йирик хўжаликларнинг нима кераги бор, — дейишади. Агар ёнимиздаги хўжаликларни олсак, бизда маҳсулот етиштириш, айниқса дон, қунғабоқар, сабзавот ва бошқа экинларни етиштириш анча юқори. Шу сабабли катта хўжаликлардан воз кечиб бўлмайди. Бизнинг одам ресурсларимиз етарли, машина-механизмларимиз етарли. Бу эса бизга мавжуд ташкилий низомлар, принциплар асосида бригада пудратини дадил ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳуқуқини беради.

Фанни ишлашга мажбур қилиш керак. Биз дон, бошоқли экинлар бўйича, қунғабоқар, маккажўхори, оқсил бўйича илмий-ишлаб чиқариш системасини, ер ҳосилдорлигини қайта тиклаш системасини яратдик. Хуллас, институтларни ерга жуда яқинлаштирдик. Уларнинг иш ҳақи ўзлари қандай ишлаётганликларига, биз қандай самара олишимизга боғлиқ.

Илмий-ишлаб чиқариш системаси билан бир қаторда ҳар бир районда илғор хўжаликлар негизида ишлаб чиқариш системасини яратиш керак. Системага 6-7 тадан хўжалик кириши лозим. Бизнинг хўжалигимиз негизида шундай система барпо этилган. Қиш давомида хўжаликлар бизнинг технологиямизни ўрганишди, бизнинг инженерлик хизматимиз уларга техникани қайтадан ускуналашда, технологияни ишлаб чиқишда ёрдам берди. Бунинг натижаси яхши бўлди — системага кирувчи деярли ҳамма хўжаликлар бир йил ичида бизнинг даражамизга етиб олишди.

М. С. Горбачев. Ишлаб чиқариш системасининг бу усули қиммати шундаки, мувофиқлаштирувчининг, етакчи хўжаликнинг тажрибаси табиийки, махсус қарорларсиз ва шиорларсиз, бевосита ишлаб чиқариш орқали бошқаларнинг тажрибасига айланмоқда.

Б. А. Зинченко. Бу ерда план-буюртма тўғрисидаги масала кўтарилди. Хўш, нима қилиш керак? Келгусида қандай йўл тутишни билишимиз керак. Буюртма системасини тартибга солиш лозим.

Ғалла сотиш масаласини олайлик. Бер, кўпроқ бераверсак! — дейишнинг кимга кераги бор? Биз нима қиляпмиз? Биз ғаллани машиналарда олиб борамиз. Хўжалигимиз йилига 30 минг тоннадан кўпроқ ғалла сотади. Биз ғаллани олиб бориб сотамиз. Орадан бироз вақт ўтгач, ўша ғалланинг ўзини, бироз ишлаб ёмонлаштирилган ҳолда яна қайтариб олиб келамиз. Мана шундай ғалладан 8—10 минг тоннасини қайтариб олиб келамиз! Фарқи шуки, уни 8 тийиндан сотиб, 20 тийиндан оламиз. Нега бундай?

М. С. Горбачев. Ҳамма ишлаяпти.

Б. А. Зинченко. Ҳа, ҳамма ишлаяпти. Транспортга чиқим қилаяпмиз, элеваторлар шунча ҳосилни қайта ишлай олмайди, унинг бир қисми элеваторда нобуд бўлмоқда.

Тушунамиз, техника доимо янгиланяпти, аммо тузукроқ ўйлаб кўриш керак. Янги техника олиниши биланоқ, унга запас қисмлар етишмайди. Эски техника кетди, янгиси келди, аммо биз ҳеч нарса қилолмаймиз. Машина ва мосламалар кам. Комбайн бору, мосламалар йўқ.

Курган дон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг директори, «Маккажўхори» илмий-ишлаб чиқариш системасининг раҳбари **И. А. Сикорский** ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш системаларининг проблемалари ҳақида гапирди. Олимлар технологияларни ишлаб чиқмоқдалар, уларнинг ўзлари мазкур технологияларни қандайдир базавий хўжаликларга эмас, балки ғоят кенг ишлаб чиқаришга етказиш билан шуғулланишлари керак, деб таъкидлади у. Система хўжаликларида бултур гектар бошига ўрта ҳисобда 47 центнер озуқа бирлиги олинган бўлса, қўшни хўжаликларда атиги 22-24 центнер олинди, деди у.

Аслида олимларнинг ёрдами билан ҳосил бундан юқори — 70 центнер эди, аммо унинг учдан бир қисми бой берилди, биринчидан, силос ўрадиган комбайнлар етишмаслиги, иккинчидан эса, уларнинг сифати пастлиги оқибатида шундай бўлди.

Областимизда ўрта ҳисобда силос ўрадиган машиналарнинг 40 проценти етишмайди. Шунинг оқибатида бултур ҳосилни 10—15 кун ўрнига 2,5 ой ичида йиғиштириб олдик. Менимча, хўжаликлар кўраётган зарарнинг бир қисмини Қишлоқ хўжалиги ва трактор машинасозлиги министрлиги зиммасига юклаш керак, деб таъкидлади нотиқ. Нега колхоз ва совхозларнинг ўзи зарар кўравериши керак?

Нотиқ технологияларнинг конкрет ижрочилари — механизатор кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ бўлган масалаларга кўп эътибор берди. У «маккажўхори» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳозиргидан кўра кўпроқ зонани қамраб олсин, деган таклифни киритди. Биз Урал зонасини ва Сибирнинг катта зонасини зиммага олишга қарши эмасмиз, деди нотиқ. Бироқ биз ҳамма ишни ўз қўлимизга олиб, уни тасарруф этадиган бўлишимиз лозим.

Ижара пудратининг бош роли, — деб таъкидлади Целиноград область Маншук Маметова номли совхозининг бош иқтисодчиси **В. В. Швец**, — инсон омилини кучайтиришдан, ҳар бир кишини хўжаликнинг эгасига айлантиришдан иборат. Илгари оғир аҳволга тушиб қолган эдик. Одамларнинг ишга, буюмларга муносабати ёмон, нотўғри эди, одамларнинг одамларга, давлатнинг ҳамма ишларига муносабати ҳам «меники эмас» қабилидаги эгасизларча бефарқ муносабат эди. Ўғирлаб кетишар, талон-торож қилишарди. Ҳамма иш муносабатга, инсоний муносабатларга боғлиқ. Ҳар бир киши хўжаликнинг эгаси бўлиши керак, чунки фақат хўжайингина тўла куч ва ғайратини сарфлаб ишлайди, ўзи учун ишлайди. Ижара пудрати шароитида қўшиб ёзиш деган тушунча мақбул эмаслигидан ташқари, қўшиб ёзиш зарар ҳам келтиради.

Илгари биз ишлаб чиқариш муносабатларини фақат пудрат усулида ташкил қилар эдик, деди нотиқ. Хўш, бундан нима чиқди? Агар айтайлик, ишчилар аҳил бўлишса, бошлиқ, маъмурият уларга ўз вақтида ҳақ тўламаса ёки кам тўласа, улар биргаликда норозилик билдиришарди. Баъзан ой охирида пулни тақсимлаш пайтида иш жанжаллар, ҳақоратомуз гапларгача етиб борарди. Нега? Чунки ҳар бир киши йил охирида кўпроқ ҳақ олиш учун кўпроқ аванс олишни хоҳларди. Бу — аванс эмас, оддий иш ҳақи эди. Ҳар бир киши кўпроқ ўмарарди. Ижара пудратида бундай бўлмайди ва асло бўлмаслиги керак. Йил охирида ходимларга мукофот ва қўшимча ҳақлар ёзилмайди, балки хўжалик ҳисобидаги даромаддан ҳар бир кишининг улуши белгиланади. Ундан аванс чегириб ташланиб, қолган қисми олинади. Бунда қўшиб ёзишдан маъно қолмайди.

Ижара пудрати ишчига манфаатли, чунки у, ишчи, хўжаликнинг эгаси бўлиб қолади, одамлар шу кун келишини орзиқиб кутишди, улар хўжайин бўлишни хоҳлайдилар. Биз ижара орқали ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартиришимиз керак. Янги вазифаларни эски усуллар билан ҳал қилиш ярамайди-ку, ахир! Ижара пудрати ҳар бир кишининг олдига: реализация қилса бўладиган, олинган ишлаб чиқариш воситалари учун, сарфланган хом ашё учун ҳисоб-китоб қилишга етадиган ва шахсий эҳтиёжларни қондирадиган даромад ҳам қоладиган миқдорда маҳсулот етиштиришдан иборат аниқ-равшан вазифани қўяди.

Сўнгра. Чиқимсиз механизм нима? Бунинг маъноси шуки, омборда на директорнинг, на бирон-бир бошқа кишининг ҳеч қандай запаси бўлмайди. Ойликка яшаш керак. Ижара пудрати шароитида ойлик кўпаяди. Аммо штатлар кўп миқдорда қисқариши ҳам содир бўлади. Гап шундаки, контролнинг маълум цех усули шароитида амалда икки ёқлама бухгалтерия олиб боришга тўғри келади. Бир томондан, бошқарув аппаратини қисқартириш керак, дейишада иккинчи томондан, ишни кўпайтиришади. Ижара пудратида аҳвол ўзгаради. Ижара пудрати жорий этулгунга қадар совхозимизда 16 бухгалтер бор эди, ҳозир 7 бухгалтер қолди, келгусида 6 бухгалтер қолади. Кўрдингизми, аҳвол қандай!

Кўпгина бошқарув вазифалари ишлаб чиқариш бўлинмалари зиммасига ўтади. Совхозимиздаги бор нарсаларнинг ҳаммаси қандайдир янги ташкил қилинган бўлинмаларга эмас, балки шу пайтгача мавжуд бўлган бўлинмаларга берилди. Жамики ишлаб чиқариш воситалари уларга ижарага топширилди, улар маҳсулот етиштириб, гарантияли сотиб олувчи бўлмиш совхозга сотадилар.

Уч йил муқаддам ижара пудратига ўтган эдик. Ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 3 баравар ошди. Илгари ҳар йили 1 миллион сўмдан ортиқ зарар кўриларди. Ҳозир йил сайин бир миллион сўмдан ортиқ фойда оляпмиз.

Энди нарх хусусида гапирмоқчиман. Ижара пудрати шароитида камида уч хил нарх бўлиши керак. Шу билан бирга ички хўжалик нархлари таъсирчан иқтисодий воситалар ролини ўйнаши лозим, деб таъкидлади нотиқ.

Штатлар хусусида яна бир гап бор. Биз ҳақиқатан ҳам нотўғри ёндашар эдик. Штатларни қисқартирардик, ҳар сафарги қисқартиришдан кейин қарасангиз, ҳамма нарса эскича бўлиб чиқаверарди. Менимча, бунинг сабаби шуки, мана шу қисқартиришни кузатиб борадиган бирон-бир махсус аппарат йўқ. Бу ишни ишчилар ёрдамида қилиш керак. Ижара пудратида шу нарса кўзда тутилган: бошқарув аппарати хўжалик ҳисоби даромадидан кун кўради.

Латвия ССРнинг Рига районидаги «Кекава» тажрибанамуна паррандачилик фабрикасининг директори **М. А. Скуя** сўз олади. У корхона фаолиятининг натижалари тўғрисида гапириб, ишлаб чиқаришни бошқаришни демократиялаш масалаларига тўхталди. Ҳар бир парранда-бабоқар, слесарь, ишчи ёки мутахассис ўзини чинакам хўжайин деб ҳис эта бошлади. Биз ҳар ойда ҳар бир цех билан учрашиб туриш тартибини жорий этганмиз. Ана шу кенгашда директор билан бош мутахассис ҳозир бўлишлари кераклиги қонун бўлиб қолган. Барча етилган масалалар хусусида рўй-рост гаплашиб олинади. Баъзида эса фабрикада танқидни бўғишаётган бўлса керак, чунки кўп йиллардан буён юмалоқ хатлар ҳам, бирон бир шикоят ҳам тушгани йўқ, деб ажабланишади. Аммо бунинг сабаби одамлар шикоят қилишга арзигулик ҳеч нарса йўқлигидадир. Биз ҳамма масалалар юзасидан очиқ-ойдин гаплашиб оламиз, одамлар ҳам фабриканинг барча ишларида қатнашаётганликларини ва бутун меҳнат учун, етиштирилаётган барча маҳсулотлар учун жавобгар эканликларини англаб етдилар.

Сўнгра нотиқ паррандачиликни интенсив ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларга тўхталди. Энг муҳими озуқадир, деб таъкидлади у. Омихта ем заводига биз қўшимча ҳеч нарсани талаб қилмай ўз рецептимизни тузиб берамиз, деб таклиф этдик. Бизга керакли бўлган жойда қўшамиз, керак бўлмаган жойда эса қайтариб берамиз. Шундай қилиб, протеиннинг миқдорини 2 процент оширамиз ва 3 минг тонна донни тежаб берамиз, энг муҳими эса гўштни кўпайтирамиз. Йўқ, мумкин эмас, дейишмоқда. Буни ГОСТ тақиқлаб қўйган эмиш. Зарар етказаётган бундай ГОСТнинг кимга кераги бор, деган савол туғилади. Энди иккинчи бир мисолни келтираман. Биз ўтган йили озуқанинг янги турларидан фойдаланишда омихта ем заводи билан ҳамкорлик қила бошладик. Ўшанда заводда майда матрицалар бўлмаганлиги сабабли, биз 4,7 миллиметрли матрицалардан олинган омихта ем билан боқдик. Бу емиш иккинчи ёшдаги бройлерларга мос эди. Завод билан келишиб 3 миллиметрли матрицалардан омихта ем ишлаб чиқаришга буюртма бердик ва 7 ойдан буён ишлаб келмоқдамиз. Натижалар яхшиланди. ГОСТ йўқ. Натижалар эса аъло бўлмоқда.

Биз туташ ишлаб чиқариш цикли бўйича ишлаймиз. Товуқларни боқиб, тухум оламиз. Инкубаторда жўжа очирамиз, бройлерларни боқиб семиртирамиз, гўштни қайта ишлаб ўз транспортимизда дўкон ва магазинларга элтиб берамиз.

Нотиқ ишлаб чиқаришни шундай ташкил этиш ва тайёр маҳсулотни реализация қилиш афзалликларига эътиборни қаратди. Бундай маҳсулотнинг ғоят хилма-хилини ишлаб чиқариш мумкин. Аммо бунинг учун корхоналарни парранда гўштини қайта ишлаш учун замонавий машина-механизмлар билан тўла-тўкис жиҳозлаш керак. Паррандачилик унга муносиб эътибор берилишига арзийдиган соҳа бўлиб қолди. Биз, латишларда, агар биз олга ҳаракат қилмаётган эканмиз, демак, орқага кета бошлаяпмиз, деган нақл бор.

Колхозчи, Ворошиловград область Беловодск районидаги Ленин номли колхознинг сут етиштирувчи оилавий коллектив аъзоси **А. И. Пелехга** сўз берилди. Биз шу иш билан КПСС Марказий Комитети шуғулланаётган экан, демак бу муҳим керакли иш, деб ҳисоблаймиз, деди у.

Бизнинг оилавий пудрат асосида ишлаётганимизга кўп бўлгани йўқ, фақат бир йил ўтди. Уч киши: мен, ўғлим ва турмуш ўртоғим ишлаймиз. 64 бош сигирни пудратга олганмиз. Оғилхонамиз эски, тор, шу боисдан сигирларни қўлда боқишга тўғри келмоқда, бутун механизация — сигир соғиш ва гўнгни чиқариб ташлашдангина иборат, қолган ишлар эса қўлда бажарилади. Молларни озиқлантиришга алоҳида эътибор берамиз, ем-хашакни тайёрланган ҳолда, терт ёки атала ҳолидагина берамиз. Сигирларимиз қисир ёки қисир эмаслигига қараб, алоҳида-алоҳида группаларга ажратиб қўйдик. Моллар сут беришига қараб озуқа олади, яхши сигирга кўпроқ, унча кўп сут бермайдиган сигирга эса камроқ озуқа берилади. Шу боисдан биз ўтган йили ҳар бир сигирдан пландаги 2700 килограмм ўрнига 3968, килограммдан сут соғиб олдик. Сутнинг ёғи пландаги 3,6 процент ўрнига 3,95 процентни ташкил этди, колхозда эса 3,79 процент бўлди.

Ҳамма ишни тугатмагунимизча уйга қайтмаймиз. Иш қанча вақтни талаб қилса, фермада шунча вақт бўламиз. Сигирлар тўйдирилиб, ҳаммаёқ саранжом-саришта қилингандан кейингина кетамиз. Буларнинг ҳаммаси мана шундай самара олиш имконини берди. Ҳозир бизда сутни фақат биринчи сортга топшириш учун уни совутиб берадиган қурилма ўрнатилмоқда. Ҳозирча биз совутилмаган сутни топширяпмиз, бу эса бизга наф келтирмайди.

М. С. Горбачев. Анна Ивановна, сиз шу йил, бир йил ичида қанчага кўтардингиз...

А. И. Пелех. Масалан, соғин сигирдан олинган сут миқдори худди шу йил мобайнида колхоздагига қараганда бир ярим минг литр юқори бўлди. Аммо баъзан газеталарда пудрат асосида ишлаётган ишиларнинг иш ҳақи юқорилиги учун безовталанишлар тўғрисида ўқиб қоламан. Безовта бўлаётган киши бориб бир уриниб кўрсин, деб жавоб қайтармоқчиман. Унинг фикри ўзгаради, чунки меҳнатнинг енгили бўлмайди ва пул осонликча топилмайди. Бугунги учрашув мана шу ишларнинг ҳаммасига янги бир туртки бериб, оилавий пудратни мамлакат қишлоқ хўжалигига жорий этишга кўмаклашади, деб ўйлайман.

М. С. Горбачев. Бу халқ иш билан шуғуллана бошлаганлигининг, фикрлай бошлаганлигининг аҳамиятини кўрсатиб турибди. Шу новаторларни кўтариш, уларнинг ташаббускорлиги, билимдонлигини таъкидлаш керак. Дарҳақиқат, фикр, ғоя, технология — энг қимматли нарсалардир. Одамларимизнинг фикри жўшқин ишлаб турибди, бу жуда ажойиб! Социалистик кооперативни олиб кўринг! Илгари у бийруққа биноан ишлар, нимани буюришса, шуни бажарар эди. Эндиликда иш бор, энди фикр бор, қаерда нима яхшироқ чиқдию, қаерда нима унча яхши чиқмаганлигини топиб анализ қилиш керак.

Охир-оқибатда барибир энг муҳими — инсондир. Ниҳоят, ҳамма нарса ҳақиқий ҳолига келмоқда. Ҳамма нарса кўпроқ бўлиши, ҳажмлар ўсиши, инсон эса унутилмаслиги керак. Ерда инсон соҳиб бўлишини кўзлаб революцияни бошлашган эди. Инсонни сиёсий жараёнга қайтариш, социалистик тузум имкониятларини намоён этиш лозим. Халқ янги турмушга пешвоз чиқаётганини, инсонлик қадр-қимматини ҳис этаётганини, унда фикр-ўйлар, юмушлар пайдо бўлаётганини шу учрашув кўрсатиб турибди. Жуда руҳлантирувчи суҳбат бўлмоқда, иш, гапгина эмас, балки иш ҳам сезилиб турибди. Иш бўлмаганида, гап ҳам қовушмасди.

Районимиздаги ерлар унча кучли эмас, — деди Гродно область Мости райони партия комитетининг биринчи секретари **В. А. Ревяко.** Тупроқнинг табиий унумдорлиги 35 балл баҳоланмоқда, ерларнинг 52 проценти қумлардан ва қумлоқ тупроқдан иборат. IX—XI беш йилликлар мобайнида район гектар бошига 25 центнердан ортиқ дон ҳосили олгани йўқ.

Мана булар эса бошқа натижалар: XII беш йилликнинг икки йили ичида — биринчи йили — 33,2 центнер, иккинчи йили эса — 41,6 центнер дон олинди. Ўсиш 16 центнерни ташкил этди. Картошка ҳосилдорлиги 256 центнерга етди ёки 84 центнер кўпайди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут миқдори қарийб ярим тонна ошди. Умумий кўрсаткич 3272 килограммга борди. Қора молларнинг ўртача кунлик эт қўйиши 20 процент ва чўчқаларнинг эт қўйиши 35 процент кўпайди.

Биз ўз ишимизни нимадан бошлаган эдик? Аввало, хўжалик юритиш иқтисодий методлари масалаларини ўрганишдан, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришдан бошладик. Иш беҳуда кетмади. Ҳозир барча хўжаликлар ўз ҳаражатини ўзи қоплаш ва тўла хўжалик ҳисоби принциплари асосида ишлаяпти.

1987 йилдан бошлаб хўжаликларнинг ҳаммаси ҳаражатларни контрол қилишнинг чек формаси жорий этилиб, ялпи даромаддан меҳнатга ҳақ тўлашга ўтказилган. Барча бўлинмалар коллектив пудрат принциплари асосида ишламоқда. Биз чорвачилик, деҳқончилик бўлинмаларини тубдан ўзгартирганимиз йўқ, балки ўзимизда мавжуд бўлган бўлинмалар доирасида бевосита коллектив пудратни ташкил этдик. 27 оила пудрат тузиб, чорвачиликда ишламоқда, якка пудратчилардан тўрт минг киши қанд лавлаги ва хашаки илдизмева етиштирмоқда. Шу йилдан бошлаб барча бўлинмалар ижара пудратига ўтказилди. Шунинг учун ўтказилдики, коллектив пудрат формаси, харажатлар ва маҳсулот олишни ойма-ой аниқлаб туриш жуда ортиқча иш эди.

Оила хонадонларида бевосита шартномалар асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳам кенг ривож топди. Сутнинг 20 процента ва гўштнинг 8 проценти бевосита колхозчиларнинг хонадонларида етиштирилганлигини айтиб ўтиш кифоя.

Бажарилаётган ишлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни 2 йил ичида 23 процент кўпайтириш имконини берди. Фонд самарадорлиги 13,6 процент ошди. Икки йил мобайнида меҳнат унумдорлиги 36,6 процент кўтарилди.

Бултурги йил айниқса намунали бўлди. Умуман районда маҳсулот таннархи 7,3 процент арзонлашди. Колхоз ва совхозларнинг соф даромади 1986 йилга нисбатан 60 процент кўпайди. Ишлаб чиқариш рентабеллиги ўтган йили 35,7 процентни ташкил этди. Одамларимиз экономика тўғрисида баралла гапирадиган бўлиб қолишди. Энг муҳими эса, бу нарсалар эътибор берилиши ва улар ҳақида жиддий равишда гапирилиши керак бўлган нарсалар эканлиги англаб етилди.

Қишлоқни социал ривожлантириш, кадрларни қишлоқда муқим жойлаштириш масалалари ҳам муҳимдир. Биз бу масалалар билан ғоят жиддий шуғулланмоқдамиз. Ўтган йили қишлоқда хўжалик усули билангина 137 та квартира барпо этилди. Беш йиллик охиригача барча аҳоли пунктларини ободонлаштиришга қарор қилинган.

Ижара пудратига ўтиш бу ишнинг бошланғич босқичидаёқ ўз самарасини беради, деб таъкидлади «Путь к коммунизму» колхоз—наслчилик заводининг раиси, Ставрополь ўлкасидаги Апанасенко райони агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси **Н. А Пономарев.** Илгари ҳамиша ишчи кучи ва техника етишмай турар эди, эндиликда эса ортиқча ишчи кучи ва техника пайдо бўлди. Бошлиқлар ҳам ортиқча бўлиб қолди, кўплар бевосита оддий ишга — механизаторлик, чўпонликка ўтдилар.

Нотиқ, хўжалик эришган кўрсаткичларни тилга олар экан, бу ҳали охирги натижалар эмас, ҳали ишимиз кўп, деб таъкидлади. Пудратнинг жорий этилиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни давлатга сотишни анча кўпайтириш мумкин.

Шундан кейин нотиқ хўжаликнинг қайта ишлаш ва енгил саноат корхоналари билан ўзаро муносабатлари муаммоларига тўхталди. Хўжаликларни иқтисодий рағбатлантириш масалалари хусусида гапириб, у колхозлар район агросаноат бирлашмаси фондларига фойдадан кўплаб процент ажратишга мажбур бўлаётганликларига эътиборни қаратди. Биз ўз пулимиз эвазига яшамоқдамиз ва шунча кўп маблағни беришга кўзимиз қиймайди, албатта. Биз район агросаноат бирлашмаси бўлишига, унга ёрдам беришга қарши эмасмиз. Лекин бунинг муайян чегараси, эҳтимолки, ҳозиргидан камроқ чегараси бўлиши лозимдир.

Дотациялар ҳақида гапирмоқчиман. Қулай шароитда бўлган ношуд одамларга дотация бермаслик керак эди чоғи. Улар тузукроқ ишлашсин-да, ахир. Бизнинг ўлкамизда ҳам шундай жойлар бор-ки, одамларни асраш, уларни авайлашга дурустроқ сафарбар этилмаяпти.

Ҳозир бу ерда эришилган даража хусусида гапириб ўтишди. Бу даража баъзан одамнинг қўлини ниҳоятда тутади. Барча ҳисоб-китоблар эришилган даражага кўра қилинади. Ҳозир заиф колхозлар ва совхозларни фақат бақувват хўжаликлар эвазига кўтариш лозим, деган гаплар баъзан матбуотда ҳам пайдо бўлмоқда, радиода ҳам шу ҳақда гапирилмоқда. Назаримда, ҳар қалай бундай бўлмаслиги керак. Бақувват колхозларни ҳам унутмаслик лозим. Улар ўз маблағларини тошпиди, бойликни махфий йўл билан эмас, балки очиқ-ойдин топишди. Давлат планини ҳалоллик билан бажаришди, сифатли маҳсулот топширишди.

Пировардида нотиқ колхозларнинг моддий-техника таъминоти тўғрисида тўхталди, хўжаликда механизатор кадрларнинг муқим ишлашини таъминлаш соҳасида орттирилган тажриба тўғрисида гапириб берди.

Красноярск ўлкаси Шушенское районидаги «Субботинский» совхози қорамолларни сўқимга боқиш оилавий звеносининг бошлиғи **Н. Ф. Филатов** ўз нутқида раҳбарият ижара пудратига эътибор бермаётгани тўғрисида гапирди. Мен чорвачиликда 13 йилдан бери ишламоқдаман, деди у. Дастлаб ишимиз осон кўчди: бўрдоқичилик майдончаси очдик. Ёзда эса яйловга чиқиб кетавердик. Кейинчалик эса йил давомида бўрдоқига боқишга ўтдик. Лекин бу ҳам кифоя эмас эди.

Майдончани кенгайтиришга киришдик. Шундан кейин мен ўғлим билан пудрат асосида ишлай бошладим. Қишин-ёзин бирга меҳнат қилдик. Ҳозир эса уни бригадирликка кўтаришди.

Иш бундан буён ҳам давом этаверади, албатта. Аммо техникамиз чатоқроқ-да. Қўлимизда енгил бульдозер йўқ. Икки йилдан бери шуни кутиб турибмиз. Ҳозир дала мудирлари енгил тракторни олиб қўйишмоқда, маккажўхори экишга техника йўқ. Бизга муносабат шундай бўлиб турибди.

Волгоград областидаги Нехаев районидаги Ильич номли совхоз директори **Ю. А. Макаров**га сўз берилади. В. В. Швецдан кейин сўзга чиқиш менга ниҳоятда мушкул, деди у. У катта мутахассис, биз эса асосий методикани ана шу хўжаликдан олганмиз.

Совхозимиз Волгограддан 450 километр наридадир. Темир йўл, гўшт комбинати, элеваторлар 90 километр олисда жойлашган. Биз олисдаги хўжаликмиз, шунинг учун ҳам муайян қийинчиликлар бор. Маншук Маметова номли совхозда меҳнатни ташкил этиш, ижара пудрати асосидаги хўжалик ҳисоби тажрибасини ўрганиб, биз совхозда ижара пудратига ўтдик. 1987 йил иш якунларига кўра, 1 миллион 300 минг сўмлик фойда олдик, меҳнат унумдорлиги 39 процент ўсди. Маошнинг ортиб бориши 12 процентни, рентабелликнинг ўсиши эса 32 процентни ташкил этди.

Ижарачи механизаторларимиз 800 гектар ернинг ҳар гектаридан биринчи марта 60 центнердан маккажўхори дони, 1700 гектар майдондан 295 центнердан кўкпоя олдилар. Гречиха ҳосили 27 центнерни ташкил этди.

Ўтган йилдаги даражага нисбатан чорванинг гўштига гўшт қўшилиши 43 процентни, сут етиштиришнинг кўпайиши 39 процентни ташкил этди. Совхозимизда 80 нафар механизатор, 167 чорвадор ишламоқда. Биз улар меҳнатининг қадрига етамиз ва уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш учун барча тадбирларни кўрмоқдамиз.

Биз деҳқон хўжалигининг барча кундалик талабларини — томорқага экин экиш, пичан тайёрлаш, чорвани яйловда боқиш ва юмушларни иложи борича тўлароқ қондиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Социал-маиший цехда кир ювиш хонаси очилди, жувозхона очдик. Яқин орада мой ишлаб чиқарадиган корхонани ишга туширамиз. Қуёнларнинг терисини ёки ернинг ўзида ошламоқдамиз. Бош кийимлар тикишга киришдик. Яқин орада хром тайёрлаш ва қўй терисини ошлашга киришамиз. Шунинг учун ҳам устки кийим тикадиган мутахассислар тайёрламоқдамиз. Даставвал ўз меҳнаткашларимизни устки кийим билан таъминламоқчимиз.

Совхозга газ қувури ўтказдик, ҳозир ҳар йили 20-25 тадан шинам, ҳамма қулайликлари бўлган квартиралар қурмоқдамиз. Бу эса барча кадрларнинг муқим ишлаб кетишига ва келажакда одамларни ишга таклиф этишга имкон беради. Ҳозир одамлар хўжалигимизга келиб иш сўрамоқдалар.

Чоғроқ фермалар қуриб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришни катта резерв деб биламиз. Хўжалигимизда 400 нафар йиғит-қиз бор. Агар биз мактаб ўқувчиларида ғўдаклигиданоқ чорвачиликка меҳр уйғотсак, қизларимиз ҳар қандай ишга жойлашиш учун шаҳарга кетмайдиган бўладилар.

Биз ишлаб чиқаришнинг собиқ илғорлари ҳақида ҳам ғамхўрлик қилмоқдамиз. Шу ойда 60 кишига мўлжалланган совхоз ишлаб чиқариши ветеранлари учун уй қура бошлаймиз.

Ҳар бир янги ишни бошлаш қийин бўлади, албатта, биз республикада биринчи бўлиб, ижара пудратига ўтганимиз учун ишимиз янада мураккаброқдир, деди Литва ССР Таураг районидаги «Шяшувис» колхози ижарачи комплекс заведосининг бошлиғи **Т. П. Юшкис.** Хўжалигимизга олимлар келишган эди. Колхоз мутахассислари билан биргаликда оиламизга ана шу янги иш билан шуғулланишни таклиф этишди. Биз йиғилиб маслаҳатлашдик, сўнгра рози бўлдик.

Ўтган йили июль ойида колхозчилардан сигир сотиб ола бошладик. Ўзим сафарга чиқиб, аста-секин сотиб ола бошладим. Қишга келиб қўлимизда 27 та сигир бор эди. Бу йил биз учун оғир келди. Айниқса, ем-хашак тортилиб қолди. Сотиб олишга мажбур бўлдик. Жарақ-жарақ пул тўладик.

Биз «Белорусь МТЗ — 82» тракторини ижарага олдик. Шу йил баҳорида 90 гектар ер ажратиб беришди. Ўтган йили кузида эса 17 гектар ерга экин экиб қўйган эдик. Ҳосил дуруст бўлади, деб умид қилиб турибмиз.

Би

ИЖАРА ПУДРАТИ — ОЗИҚ-ОВҚАТ МАЪМУРЧИЛИГИГА ОЛИБ БОРАДИГАН ЭНГ ҚИСҚА ЙЎЛ

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-бетларда).

Кенгаш кооператив раисларидан бирини ўзининг раҳбари этиб сайлайди, бу раҳбар колхоз правлениеси составига киради ва колхоз раисининг ўринбосари бўлади. Бу кенгаш кооперативлар манфаатларини ҳимоя қилади, кооперативлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ва бошқа масалаларни кўриб чиқади. Бундай шароитда райком ҳам, бошқа ташкилотлар ҳам ўзларини бирмунча ноқулай сезмоқда. Бунинг маъноси нимада? Эски методлар билан, эски обрў билан ишлаш қийин. Бирон-бир кишига қойишга, ўписа қилишга ҳожат йўқ. Бундан бир ой муқаддам кўнглим озор чекканини айтмоқчиман. Ўзимга яхши таниш бўлган кооперативга бориб, тарки одат-амри маҳол деганларидек, панд-насиҳат қила бошладим. Уни ундоқ қилинг, буни бундоқ қилинг, дедим. Кооператорлар менга бундай дейишди: «Эмзар Александрович, бу сизнинг ишингиз эмас. Агар шартнома доирасида бўлса, марҳамат, қулоғимиз сизда. Аммо кооператив ичида қандай ишлашимиз лозимлигини бизга қўйиб беринг». Мен хафа бўлдим. Яна икки бор аразлайдиган бўлсам, биринчи секретарь бўлмаганлигим маъқуллигини кейинчалик уқиб олдим, чунки одамлар биринчи секретарни инсон сифатида йўқламай қўядилар (**Залда кулги**). Шунинг учун аразламаган маъқул.

Львов шаҳрининг Червоноармейский районидаги «Провесинь» агрофирмаси директори **И. О. Пивинь** Львов шаҳри ва Львов областида айниқса номавсумий даврда аҳолини сабзавот билан таъминлаш муаммолари хусусида гапирди. Бу муаммоларни эски методлар билан ҳал этиш мушкул бўлиб қолди.

Область партия комитети шаҳар комитети билан биргаликда қарор қабул қилдилар. Саноат корхоналари, турли министрликлар ва идораларнинг улуши эвазига маблағ тўпланди. Хўжалигимизни совхоздан агрофирмага ўтказишди, бизга каттароқ ваколатлар беришди ва анча мустақил бўлиб қолдик. Йиғилган маблағларни қўшимча равишда 40 гектарлик теплица комбинати қуришга ажратдик. Бутун областда эса шу қарорга мувофиқ 80 гектарлик теплица қурилиши керак. Ҳозир областда 52 гектар ерда теплица қурилмоқда.

Биз бу жараённи бошлаганимизда, барча идораларимизга кириб чиқдик. Ким қайта қуриш тарафдори-ю, ким унга қарши чиқяпти — ҳаммасини кўрдик. Айланиб юриб, конкрет одамлар билан суҳбатлашганингда ҳамма нарса аён бўлади, қўяди. Иттифоқ давлат план комитетида бизга яхши кўрдам беришди. Ҳозир бизнинг акционерлик жамиятимизда 2,8 миллион сўм пул бор. Ҳозир ана шу пул ҳисобидан 4 гектар ерда теплица қурмоқдамиз. Майдон ажратиб беришди, 30 гектар ердаги теплица лойиҳасини ҳам тузмоқдамиз.

Бу Озиқ-овқат программасини тезроқ ҳал этиш учун маблағларни кооперациялашнинг энг самарали формаларидан бири деб ҳисоблаймиз. Илгари, қайта қуришгача бўлган даврда бу масалани мутлақо ҳал этиб бўлмас эди, деб ўйлайман.

Келгуси йилдаги ишимиз осонроқ кўчади. Ҳозирнинг ўзидаёқ 7 миллион сўмлик кооперация протоколларини имзоладик.

Меҳнат коллективлари билан ҳисоб-китобни қай тарика йўлга қўймоқчимиз? Бу мураккаб масаладир. Чунки илгари бундай ишга қўл урилмаган эди. Мен илгари шуни илтимос қилганман, телевидениеда ҳам гапирганман, қайта қуришнинг етакчи иқтисодчиларидан бўлган Абалкин ва Аганбегян ўртоқларга мактуб ҳам ёзиб имкони борича ёрдам беришларини сўраганмиз.

Ҳар қалай биз коллективларга янги узилган сабзавот билан ҳақ тўламоқчимиз. Уларнинг эҳтиёжларини қондириш учун магазинлар, дўконлар очамиз, ошхоналарни ҳар кимнинг улушига қараб, таъминламоқчимиз. Бу ўринда масала кўнгилдагидек ҳал этиляпти, чоғи. «Труд» газетасида мақола босилганидан кейин Иттифоқимизнинг ҳамма жойларидан бизга аризалар ёғилиб кетди. Барча масалаларни ҳал этиш тўғрисида обдон ўйлаб кўриш керак. Ижара пудрати социализмга қарши деб айблашмаяптими, деган гапни бу ерда кимдир тилга олиб ўтди. Назаримда, аксинча бўлади, пудрат билан биз социализмни мустаҳкамлаймиз.

Шундан кейин нотиқ акционерлик жамияти шарт-шароитида турли тармоқларнинг мутахассислари ҳамкорлиги агросаноат фан-техника тараққиёти таъминотининг мураккаб муаммоларини ҳал этишга имкон бераётганлиги тўғрисида мисоллар келтирди.

Агрофирма директори сабзавотнинг 30 процентгача бўлган қисмини шартномавий баҳоларда сотиш масалаларига тўхталиб, агросаноат комплексидаги янги ташкилий бўлинмалар бунинг учун қулай имкониятлар яратаётганлигига эътиборни қаратди. Ҳозирги вақтда «Провесинь» агрофирмасининг учта магазини бор, бу дўконлар пештахталарида маҳсулот «мана мен» деб туради. Бирон бир низо, бирон бир масала қалқиб чиқаётгани йўқ.

Агрофирма директори ўз сўзининг охирида ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш муаммосига тўхталди. У социалистик мамлакатлардаги, ўша Венгрия ва Польшадаги дўстларимиз тажрибасини фаолроқ ўрганиш ва бу тажрибани қўллашга даъват этди. Дўстларимиз жуда катта, яхши тажриба орттиришган, аммо ҳар қалай бирон-бир шартнома, айниқса қўшма корхоналар тўғрисида шартнома тузиш учун кўп идоралар билан келишиб олиш лозим, кўп ҳолларда гапимизни ўқишмаяпти. Мен мамлакатимизда техникавий иқтисодий асослашлар бобида мурожаат қилиш мумкин бўлган, жўяли маслаҳат беришга қодир, бирон-бир ташкилот ёки фирма билан тенг ҳуқуқли шерик бўлиш учун иқтисодий ҳисоб-китоблар қилиб, йўл-йўриқ кўрсатадиган ташкилот бўлишини истар эдим, деди нотиқ.

Москва шаҳридаги оилавий «Сабзавот» магазинининг директори **П. П. Безсмертний** иш тажрибасини баҳам кўрди. Биз оилавий пудрат, хўжалик ҳисоби ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитида меҳнат қиламиз, деди у. Ҳозир магазинда 16 киши ишламоқда, шулардан 9 нафари қариндошларим, қолганлари эса менга яхши синашта бўлган ўртоқларимдир. 16 кишининг 6 таси пенсионерлардир.

Бизга сифатга, маҳсулотни кўримли қилишга кетган меҳнат сарфларига қараб кун мобайнида мева-сабзавот нархини мустақил ўзгартириб туриш ҳуқуқи берилган. Чиқинди мутлақо бўлмаслигига ҳаракат қилмоқдамиз. Карамни олайлик, сўлиган карамдан харидор юзини ўгириб кетаверади. Биз карамни магазиннинг ўзида тузлаймиз, шундан кейин сотамиз. Жуда тез сотилиб кетади. Биз харидор қурт тушган, заҳа еган олмани халтасига солишни сира ўзимизга раво кўрмаймиз. Қурт еган жойларини кесиб ташлаб, халтачаларга солиб килосини 50 тийиндан сотамиз. Бу олма компот ва шарбат тайёрлашга кетади.

Нарх оширишнинг таркиб топган системаси тўғрисида бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Магазинимизда нарх нари борса 15-20 процент кўтарилади. Аммо нарх бундан кўпроққа камайиб ҳам туради. Мен ўзим асли инженерман. Ўртоқларим ҳам илгари савдода ишлашмаган. Бир томондан ишлаш оғирроқ. Биз кўп нарсалардан бехабармиз, ўрганишимиз керак. Аммо, иккинчи томондан ўз ишимизга харидор кўзи билан қарашга ҳаракат қиламиз. Натижалар ҳам шундан далолат бериб турибди. Март ойида ҳозир биз ишлаётган ўша магазинда товар обороти 69 минг сўм бўлган эди, бизда эса 137 минг сўмга етди. Ўтган йили апрель ойида товар обороти 53 минг сўм эди, бу йил эса 148 минг сўмга борди.

Мутахассислар магазинимизга келишиб, товар обороти ўсишининг боиси нимада, эҳтимол, сизга антиқа маҳсулот беришаётгандир деб сўрашяпти. Йўқ. Бошқа ҳар қандай магазинга юборилаётган маҳсулотни беришяпти. Лекин биз уни саралаяпмиз, Харидор эса уни жон деб сотиб олмоқда. Яна маҳсулотни ўзимиз олиб келишга ҳаракат қилаяпмиз. «Москва» агросаноат комбинати бизга юк автомобилини ижарага берди. Биз шу транспортда ош-кўкни базадан эмас, тўппа-тўғри даладан олиб келмоқдамиз.

Харидорларимизнинг магазинга битта эътирози бор — навбат кутмасак эди, дейишмоқда. Ҳозир шу система асосида тўртта магазин ишламоқда. Харидорлар бу дўконлар хизматидан мамнун.

Шундан кейин СССР тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри **А. А. Ежевский** сўзга чиқди. У ўз-ўзини таниқ руҳида ҳали қишлоққа техника етарли етказиб берилмаётганлигини эътироф этди. Бизда анча экинларни етиштириш ва йиғиштириб олиш комплекс механизациялашмаган. Ҳали нуқсонларимиз кўп. Қўл меҳнатидан ҳали кўпроқ фойдаланилмоқда. Сўзга чиққан кўпгина ўртоқлар эътиборни яна ана шунга қаратдилар.

Ҳозир тармоқ олдида ниҳоятда жиддий вазифа — машина ишлаб чиқариш структурасини, техникавий сиёсатимизни қайта кўриб чиқиш вазифаси турибди. Хўжалик ҳисоби, якка тартибдаги меҳнат, оилавий ва коллектив пудрат жорий этилаётган одамлар пулнинг қадрига етадиган бўлиб қолган ҳозирги шароитда биз ҳам истеъмолчи билан ишлашни ўзгартиришимиз керак, бундан буёнги ишимиз аввало, қишлоқ меҳнаткашларининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиши керак. Сифат энг асосий масаладир, сифат ҳозир биз учун ниҳоятда жиддий аҳамиятга моликдир.

Министр мажлис аҳлига қишлоққа зарур бўлган юқори сифатли машина ва агрегатлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар тўғрисида батафсил сўзлади, энг зарур машиналарни, жумладан интенсив технологиялар учун зарур машиналарни, минерал ва органик ўғит соладиган машиналарни тилга олди.

Органик ўғит ортиладиган машина такомиллаштирилганини айтиб ўтишим керак. У пишиқ-пухта, соатига 250 тонна ўғит юклайди ва самарали ишлайдиган механизмдир. Демак, машиналар бор, ўғит ортиладиган машина ҳам бор. Бугун «Гомсельмаш» комбайнларини танқид қилишди. Шу корхонада тайёрланаётган машиналар тубдан модернизация қилинди. «Гомсельмаш»да «Полесье» машиналари ишлаб чиқаришга киришилди, унинг ишчи органларини алмаштириб турса бўлади.

Оилавий фермалар учун сут соғиш агрегатлари чиқарилмоқда. Бу йил 12 минг 700 дона, келгуси йил яна шунча агрегат тайёрланади. Оилавий ферма учун энг асосий машина —Т-30А тракторидир. Буни ажойиб машина десак бўлади.

Учрашувни **М. С. Горбачев** якунлади. Суҳбатимиз жуда мароқли, жуда ибратли ва кўп жиҳатлардан фойдали бўлди, деди у. Бу партия Марказий Комитетидаги энг самарали учрашувлардан бири бўлди. Шундай бўлиши ҳам керак эди, чунки Марказий Комитетнинг май Пленумидан кейин озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини кўпайтиришга янгича ёндашувлар ишлаб чиқилгунча аграр-саноат комплекси жуда катта йўлни босиб ўтди. Бу-ишнинг бир томони.

Иккинчи томондан, шу якун негизида, шу фикр-мулоҳазалар негизида учрашув олға томон қиладиган ҳаракатимиз истиқболларини очади. Шу сабабли аввало жуда қисқа муддатларда озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш манфаатларини кўзлаб қишлоқ хўжалигини, агросаноат комплексини жадал ривожлантириш йўлига сизларнинг қудратли мададингизни олганимиз учун ҳаммамиз мамнунмиз.

Озиқ-овқат муаммоси доимо бўлади, деб ўйлайман. Чунки бу—ҳаёт демак. Аммо мен бу муаммони жуда қисқа муддатларда ҳал этиш керак, деганимда унинг ўткирлигини камайтиришни назарда тутаман. Ҳозирча эса у ўткир муаммо бўлиб турибди, ўртоқлар. Шундай экан, бу нарса катта қийинчиликларни келтириб чиқаётганини кўриш керак, тушуниш керак, чунки бу одамларнинг кундалик турмушига дахлдор.

Биз тўғри йўл танлаб олганимизга ишонч ҳосил қиляпмиз, бу суҳбатимиз эса буни яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Биз инсонга, унинг манфаатдорлигига, унинг мустақиллигига, унинг ташаббускорлигига, масъулиятига, унинг гражданлик туйғуларига ва гражданлик позициясига умид қиламиз. Бу умид коллектив пудратининг турли шаклларда, айниқса хўжалик ҳисоби, таъбир жоиз бўлса, энг яхши ифодаланиб, мужассамлашадиган ижара пудратида жуда яхши рўёбга чиқади. Ижара пудрати янги иқтисодий муносабатларни қарор топтиради, шу ҳақда ҳам бу ерда гапириб ўтилди. У инсоннинг қадр-қимматини юқори кўтаради, хўжайинлик туйғусини ривожлантиради, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга, мамлакатда озиқ-овқат маъмурчилигини вужудга келтиришга зиён қисқа йўлни очиб беради.

Биз нималарни кўряпмиз? Бир йил, икки йил, кўпи билан уч йил ўтач, чиндан ҳам жуда катта самара олиняпти. Ҳосилдаги ўсиш бир йилда, икки йилда камида бир тонна кўпая бораяпти. Меҳнатни ташкил этиш, рағбатлантиришнинг янги усуллари, одамларнинг мустақиллиги ва ташаббусини ривожлантириш туфайли шундай бўлаяпти. Ижарачи коллективларида ҳозир бир-икки йил ичида эришилаётган натижаларга илгари ўн йилда ҳам эришилмас эди.

Чорвачиликдаги ижара пудрати ақл бовар қилмайдиган янгиликларни очмоқда. Теппа-тенг шароитларда, деярли битта ферманинг ўзида, бир хил ем-хашак билан, аммо ишга бошқача ёндашилган тақдирда мутлақо бошқача натижаларга эришилмоқда! Сут соғиб олишдаги тафовут—ҳар бош сигир ҳисобига йилига минг-бир ярим минг килограммга боради. Илгари биз сут соғиб олиш соҳасида бир жойдан қўзғала олмаётган эдик. Сут етиштиришни кўпайтиришни фақат чорва туёғини кўпайтириш ҳисобига таъминлаётган эдик. Тобора янги-янги чорвачилик бинолари қурилишига маблағ сарфлар эдик, ем-хашакни маҳсулот учун эмас, балки чорва туёғи камайиб кетмаслиги учун сарфлар эдик.

Кейинги 3—4 йил ичида мамлакатдаги чорва туёғи кўпаймаса ҳам, гўшт ва сут маҳсулотлари кўпайиб бормоқда. Агар биз ҳар бош сигирдан 4 минг килограмм сут соғиб олсак, бизда сут маҳсулоти муаммо бўлмай қолади. Агар биз ҳар бош сигирдан бузоқ олиб турсак, айни вақтда мол гўшти муаммоси ҳам ҳал этилади. Агар қора молни 450—500 килограммга етказиб гўштга топширсак, биз сигирлар туёғини кўпайтирмай туриб ҳам гўшт муаммосини ҳал эта оламиз.

Бундан чиқадиган хулоса шу: чорва туёғини кўпайтирмай, аммо селекция ишини, ем-хашак базасини яхшилаш орқали ва меҳнатни ташкил этишнинг янги усуллари орқали, пудрат орқали ,деҳқончилик ва чорвачиликдаги меҳнатга янгича муносабат негизида биз энг муҳим муаммоларни тез ҳал қила оламиз. Биз чорва туёғини кўпайтиришга, янги чорвачилик бинолари қуришга ва шу каби ишларга сарфлашимиз лозим бўлган маблағни эса социал соҳага, одамларнинг турмушини яхшилашга ишлата оламиз. Шу боисдан биз ҳозир бундай дейишимиз керак: қишлоқда ижара пудратини, коллектив, оила, якка пудрат, ҳамма шаклдаги пудратни ҳамма жойда кенг миқёсда жорий этиш йўлини қатъият билан давом эттириш керак.

Бу ерда айтилган фикрга қўшилганимни айтиб ўтмоқчиман, ўртоқлар. Биз битта йўл-йўриқ асосида иш кўрмаслигимиз керак. Турли республикаларда, турли зоналарда турлича иш тутиш керак, чунки хўжаликлар иқтисодий ва социал ривожланишнинг, кадрлар билан таъминланишнинг турли поғонасида туришибди. Мана шуларнинг ҳаммаси конкрет ёндашувни талаб қилади, юқоридан ҳеч бир фикрни мажбуран тиқиштирмаслик керак, ташаббусга кенг йўл очиб бериш, коллектив пудрати йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш лозим. Энг муҳими — мана шу.

Пудратнинг, ижара пудратининг турли шаклларини орқали, колхоз ва совхозлар ичида кооперативлар системасини барпо этиш орқали, кооперативларнинг янги турларини топиш орқали, бошқа тармоқлар билан алоқа боғлаш, хизмат соҳаси орқали колхоз ва совхозлар замиридаги имкониятларни рўёбга чиқариш йўлига қатъият билан узил-кесил ўтиб олдик ва буни Марказий Комитет билан ҳукумат номидан қўллаб-қувватлаймиз. Мақсад озиқ-овқат муаммоларини ҳал этиш, енгил саноатни хом ашё билан таъминлаш, хизмат соҳаларини ривожлантириш учун меҳнат ресурслари ва бошқа ҳамма ресурсларни сафарбар этиб, колхоз ва совхоз қила оладиган ҳамма ишлардан фойдаланишдан иборат. Ҳаммасидан фойдаланиш лозим, ўртоқлар, бу ерда ҳам кўпгина мароқли ишлар таклиф қилинди.

Чоғимда, сизлар ҳатто қисқача танаффусдан ҳам учрашув қандай бораётганини муҳокама қилиш, фикрлашиш учун фойдаландинглар. Биз ҳам бутун танаффус вақтида суҳбат қандай бораётганини, ундан қандай маъно чиқаётганини муҳокама қилдик. Йўл-йўлакай кўпгина фактлар айтилди. Виктор Петрович Никонов, Георгий Петрович Разумовский битта хўжалик — Краснодар ўлкаси Красноармейский районидаги Киров номли колхозидан мароқли мисолни айтиб бердилар. Бақувват хўжаликлар орасидаги бу колхоз қолоқ, заиф хўжалик эди. У ижара пудратига ўтиши биланоқ хўжаликнинг иши юришди, дарҳол куч тўплай бошлади. Энг мароқлиси шуки, ҳаммани, ошпазни ҳам хўжалик ҳисобига ўтказишди. Ҳамма нарса: болалар боғчаси ҳам, касалхона ҳам, устахона ҳам хўжалик ҳисобига, ижара усулига ўтказилди.

Хўжалик ҳисоби инсон фикрини изланишга ундайди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан бошқа соҳаларда ҳам ташаббусга кенг йўл очади. Масалан, колхоз устахонаси деҳқончилик ва чорвачиликнинг техника қаровига, уни ремонт қилишга доир ҳамма буюртмаларини ўринлатди, айни вақтда аҳолига 150 минг сўмлик хизмат ҳам кўрсатди. Колхознинг битта устахонаси мана шундай қилди! Биз бўлсак, қишлоқда хизмат соҳасини қандай қилиб кенгайтириш керак? — деб бош котиряпмиз, ўртоқлар.

Хуллас, барча хўжаликларимиз олдида жуда катта имкониятлар очиляпти. Шу сабабли, биринчидан, биз турли шакллардаги пудрат, кооперация ва агросаноат интеграциясининг ижара усулларини ривожлантириш йўлини қатъият билан ўтказаётганимизни таъкидламоқчимиз. Бу гап бошланғич кооперативларга, қуйи коллективларгагина эмас шу билан бирга район, область, ўлка, республика миқёсидаги ташкилотларга ҳам тааллуқлидир.

Иккинчидан. Бу йил биз қандай йўл тутишимиз керак? Қандай қилиш лозим? Бу соҳада қандай вазифалар турибди? Мен вазифани шундай таърифлаган бўлур эдим. Турли шаклларда оила, коллектив, звено пудрати ва шу каби шаклларда шартнома тузган ҳамма хўжаликлар, барча коллективлар ҳозир ёрдамга муҳтождирлар. Уларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга янги иқтисодий муносабатларни ўзлаштиришда кўмаклашиш керак. Бу — унчалик жўн иш эмас. Биз бу ишни нуқсонсиз бажаришимиз, маълум йилларда бўлган хатоларни такрорламаслигимиз керак.

Биз пудрат учун шартнома тузган коллективларда хўжалик ҳисоби принципларини чинакамига рўёбга чиқариш учун ҳамма ишни қилишимиз лозим. Бу — аввало колхоз ва совхозларнинг ўз вазифаси, деб ҳисоблайман. Хўжаликларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари, умуман партия ташкилотлари кооператив коллективларининг манфаатларини ҳимоя қилишлари лозим. Замон уларни пудратдаги коллективларга мутахассисларни бошлиқ қилиб қўйишга чорламоқда. Пудрат усуллари техника билан, технология билан, илм-фан билан дўстликда ривожланиши кераклиги бу ерда тўғри уқтириб ўтилди. Бу ишда ҳам одамларнинг янгича онги намоён бўлмоқда. Илгари бу нарса юқоридан жорий қилдирилар эди. Биз ҳам айнан шундай, жорий этиш бошқармаси, жорий қилиш мактаби, дердик. Ҳамма жорий қилар, ҳамма буйруқ берар эди. Энди эса янги шароитларда меҳнат қилаётган кишиларнинг овози эшитилмоқда. Инсон ўйлаяпти: ҳа, бугун у ишни яхшироқ ташкил этиш меҳнатга яхшироқ муносабат ҳисобига муваффақият қозонаётган бўлса, эртага янги технология ҳисобига, селекция ҳисобига меҳнат унумдорлиги ҳисобига, янги омиллар ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантирадиган бўлади. Бунинг учун илм-фан керак, мутахассисларнинг билими керак. Шу сабабли мутахассислар ўз жиззакиликларини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, баъзи бировлар эса ўз ялқовликларини бартараф этиб, асосан психология тўсиғини енгиб ўтиб ишга киришишлари лозим. Меҳнатдан, Ватан шон-шуҳрати йўлидаги амалий меҳнатдан уялишнинг кераги йўқ.

Кўпчилик мутахассис ва олимлар шу йўлдан борадилар, деб ўйлайман.

Мана шу буюк, умумхалқ иши қишлоқ район партия комитетларининг область ва ўлка партия комитетларининг гамхўрлигига муҳтож. Янги ёндашувларни ўзлаштиришда, психологияни қайта қуришда, меҳнатга муносабатни ўзгартиришда одамларга ёрдам бериш — фикрларни тубдан ўзгартириш орқали амалга ошириладиган жуда катта ишдир, бу ишда партиянинг ёрдами ва эзгу сўзисиз, партия комитетларининг мададисиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Қишлоқ район партия комитетларимиз, биринчи секретарлар ва бошқа ходимлар буни англаб турганликлари жуда яхши. Воробьев ва Беридзе ўртоқларнинг нутқларида шу фикр янгради. Улар бошқа давр келганини, энди одамлар билан муносабатлар янги негизда қурилиши лозимлигини тушунмоқдалар. Нимани экиш, қачон экиш, культивацияни қайси тарафга қараб ўтказиш, бугдой ёки арпани ўришга қачон кириш ва шу кабилар ҳақида райком буйруқ ва кўрсатма берадиган вақтлар абадий ўтиб кетди. Бу ишларнинг ҳаммасини энди хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтган гамхўр кишилар қўлга олмоқдалар. Партия ташкилотларининг вазифаси эса бу ҳаракат умумхалқ, реал ҳаракат тусини олиши ҳақида гамхўрлик қилишдан иборатдир. Олис келажакда эмас, балки ҳозир шундай бўлиши керак. Партия комитетлари эса бу ҳаракатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари лозим. Бу йилги энг муҳим сиёсий вазифа ва хўжалик вазифаси мана шундан иборат.

Бу — келгуси йилда хўжалик юритишнинг мазкур усулларига амалий равишда ўтишни ниҳоясига етказиш учун энг яхши тайёргарлик бўлади. Мабодо биз эришилган маррада мустаҳкамланиб қолмасак, бу йил шартнома тузган хўжаликларга шу усулларни ўзлаштириб олишда ёрдам бермасак, ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келишини рўй-рост айтиб қўймоқчиман. Бугина эмас, бу ишни уддалай олмаган киши, бу йил иши юришмаган киши чўчиб қолади, кутиб турадиган бўлиб қолади, бу эса бутун жараённи секинлаштиради. Шу сабабли одамларнинг ташаббуси ва ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш керак.

Пировардида, сизларга қандай тилаклар билдирсам экан, ўртоқлар? Сизлар ишдаги кайфиятни бўшаштирманглар. Биз сизларни, шу ҳаракатнинг кашшофларини табриклаймиз. Янги йўлдан биринчи бўлиб борувчиларнинг ҳамиша бошқалардан, эргашиб борувчилардан кўра масъулияти кўпроқ бўлади. Биринчи бўлиб йўл очадиган чанғичи зиммасига бир хил оғирлик тушса, шу йўлдан сирғаниб борувчи чанғичи зиммасига бошқачароқ оғирлик тушади. Шу сабабли мен сизларга партия Марказий Комитети номидан муваффақият тилайман. Сизлар бизларнинг маънавий ва сиёсий мададимизга умид боғлайверинглар. Сизлар жойлардаги партия органлари орқали амалий мадад оласизлар. Бу — биринчиси.

Иккинчиси. Сизлар қийинчиликларга дуч келасизлар, ўртоқлар. Бунчалик буюк бурилиш ишида ҳеч ким хаталардан, нуқсонлар ва камчиликлардан холи бўлолмайди. Кайфиятни тетик қилинглар, танлаб олган ўз йўлингиздан қайтманглар. Муваффақиятсизликлар ҳам бўлиши мумкин, аммо, албатта, муваффақият қозонасизлар. Тажриба шуни кўрсатиб турибди. Ўзингиз ҳам бунга ишонч ҳосил қилдингиз. Мен бу ҳақда кўпроқ шу йўлга эндигина кирган кишилар учун гапиряпман.

Учинчиси. Сизлар партия Марказий Комитети номидан бизнинг гурунгимиз ҳақида ўз коллективларингиздаги, ўзларингиз меҳнат қилаётган районлардаги учрашувларда бевосита гапириб беришларингизни истайман. Ўйлайманки, матбуот—ҳам марказий, ҳам область, ҳам район матбуоти сизларга шу кенгаш ҳақида, гурунгимиз тўғрисида гапириб бериш, тажрибани баҳам кўриш имкониятини беради. Бу ерда матбуот учун нақадар ажойиб мавзулар айтиб берилганини илгари ҳам гапирган эдим, яна бир бор такрорламоқчиман. Ҳолбуки, бизда баъзан мауммолар изланиши лозим бўлган жойдан эмас, қайта қуришнинг катта йўлидан эмас, балки йўл чеккаларидан, эгри-бугри кўчалардан изланмоқда. Тўғри, эгри-бугри кўчаларни ҳам пўпанакдан, тўпланиб ётган ахлат ва уюмлардан халос қилиш керак. Бироқ, ҳар ҳолда ҳам партиянинг, ҳам матбуотнинг, идеология кадрларимизнинг асосий диққат-эътибори қайта қуришнинг бош йўналишига, иқтисодий ислоҳот йўлидаги туб қайта қуриш тажрибасига қаратилиши лозим.

Сизлар ҳаммангиз бу кенгашга жуда катта тажриба билан келдингизлар, ўртоқлар. Сизларга ташаккур айтаман. Онгли, ижодий меҳнатингиз учун, фикр-ўйларингиз учун, халқ бахт-саодати тўғрисидаги, мамлакатнинг келажаги ҳақидаги ғамхўрлигингиз учун ташаккур.

Сизларга сиҳат-саломатлик, муваффақиятлар тилайман, ўртоқлар!

Учрашувда **Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. Н. Слюньков, Г. П. Разумовский** ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат агросаноат комитетининг раиси **В. С. Мураховский**, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госснаби Раиси **Л. А. Воронин**, бир қанча министрлик ва идораларнинг, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари қатнашдилар.

(ТАСС).

Область партия комитетларининг пленумлари

14 май куни Андижон область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегатларни яширин овоз бериш йўли билан сайладилар.

Делегатлар орасида Ленинск шаҳридаги КПСС XXV съезди номли мотор ремонти заводининг токари В. Хўжаёров, Избоскан шойи тўқиш фабрикасининг тўқувчиси Т. Юнусалиева, Марҳамат районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг бригадири А. У. Каримова, Андижондаги 1-ўрта-ҳунар-техника билим юртининг ўқитувчиси, СССР халқ ўқитувчиси А. Акбаров ва бошқалар бор.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орифжонов нутқ сўзладилар. Пленум ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок қатнашди.

* * *

Жиззах область партия комитетининг 14 май куни бўлиб ўтган пленумида пахтачиликдаги жиддий камчиликларни тугатиш, тармоқни ривожлантириш борасида область партия ташкилотининг вазифалари кўриб чиқилди.

Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегатлар сайланди. Делегатлар орасида 2517-автобаза шофёри Э. Жўрабоев, Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз бригадири Р. Маматова, Ғаллаорол районидаги К. Маркс номли совхоз бош чўпони Р. Зубайдуллаев ва бошқалар бор.

Пленумда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. Ҳабибуллаев, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари И. С. Умаров нутқ сўзладилар.

* * *

Гулистонда шу куни Сирдарё область партия комитетининг пленуми бўлди. Капитал қурилишни тубдан яхшилаш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари муҳокама этилди. Область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков доклад қилди.

Пленум Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегатларни сайлади. Делегатлар орасида КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг звено бошлиғи Т. Б. Қирғизбоева, Янгиердаги В. И. Ленин номли қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатига қарашли 2-темир бетон буюмлар заводининг кранчиси Л. М. Хамякина, Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг бригадири А. Эсиргапов ва бошқалар бор.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров иштирок этди.

* * *

Сурхондарё область партия комитетининг 14 май куни Термизда бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари область партия комитети бюросининг аъзолари Ҳ. Э. Бердиев, В. В. Глушков ва Х. Ш. Шарафутдиновнинг областни ривожлантириш социал-маданий программасини амалга оширишда қандай қатнашаётганликлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб, муҳокама қилдилар.

Область партия комитетининг аввалги пленуми қарори, унда билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар қандай адо этилаётганлиги тўғрисидаги ахборот ҳам тинглади.

Пленум Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегатларни сайлади. Улар орасида «Шарғун» шахтасининг кон ишчиси А. А. Телябов, Қумқўрғон районидаги «Қизил октябрь» колхозининг бригадири Р. М. Мирзаева, Гагарин районидаги «Искра» совхозининг директори П. Худоёров, Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг бригадири Т. Номозов, ҳарбий хизматчи С. В. Шчеглов бор.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Қаршн районидаги «Ленин йўли» совхози деҳқонлари жорий йилдан бошлаб тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишлашмоқда. Бу ерда меҳнатга ҳақ тўлашнинг чек системаси жорий этилди. Эндиликда ҳар бир тийин расамади билан сарфланмоқда. Ортиқча техника восталари ҳисобдан чиқарилди. Янги усул экиш-тикишни қисқа муддатда тугаллаш, парваришни барвақт бошлаш имконини берди. Айни пайтда гўзани яганалаш, қатор оралариига ишлов бериш ва бошқа юмушлар сифатли бажарилмоқда. 1.700 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 25 центнердан оқ олтин етиштириш — совхоз аҳлининг бу йилги эзгу нияти.

СУРАТДА: тажрибали бригадир Шомат Алматов [ўнгда], механизаторлар Ислом Мирзаев ва Амир Иброҳимов далада.

Ш. ШАРОПОВ фотоси.

(ЎзТАГ).

ДЕҲҚОНЧИЛИК АХБОРОТИ

БУХОРО

Районда бу йил 16 минг тонна сабзавот етиштириш кўзланган. Шу кунларда экинлар агротехника қондалари асосида парвариш қилинаяпти. Дала ишлари сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликлар — «Маданият», «Ленин йўли», Ленин номли ва «Янги турмуш» колхозларида намунали олиб борилмоқда.

В. НОСИРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ПИСКЕНТ

Деҳқонбой Икромов йигирма йилдан бери Калинин номли колхозда бригадирлик қилади. У бошлиқ коллектив ҳар йили давлатга мўл оқ олтин ҳадя этмоқда. Бултур гектаридан 27 центнердан хирмон кўтарган пахтакорлар эндиликда 30 центнерли маррани кўзлашаётир. Шу кунларда тўлиқ гектарлар яратиш, яганалаш, қатор ораларига ишлов бериш уюшқоқлик билан амалга оширилаяпти.

У. МУҲАМЕДОВ.

Редактор ўринбосари Н. ЕҚУБОВ.

Р — 11732. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. 1998. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12